

Ш. ВАЛИЕВ, А.СУЛТОНОВ, Қ.ПАРПИЕВ.

МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ

Кўргазмали-изоҳли қўлланма

А н д и ж о н - 2010

Такризчилар:

Т.Ортиқов

Фалсафа фанлари доктори, профессор

М.Назаров

Фалсафа фанлари номзоди, доцент

Масъул муҳаррир:

К.Юнусов

Социология фанлари доктори, профессор

Мазкур кўргазмали - изоҳли ўқув қўлланмада “Маънавият асослари” фани намунали дастури мавзуларига оид масалаларнинг мазмун-моҳиятини чизмаларда акс эттиришга ҳаракат қилинган. Чизмалардан фойдаланишга доир изоҳлар ва қисман қимматли ғоялар, амалий материаллар берилди.

Қўлланма олий ўқув юртлари бакалавриат йўналишлари талабалари, шунингдек, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчи ва ўқитувчилари, маънавий-мафкуравий тарбия билан шуғулланувчи зиёкорлар ҳамда кенг китобхонларга мўлжалланган.

20.11.2010 й
ХГ ————— ЖТ
10.12.2010 й

© Валиев Шукуржон, Султонов Абдуғулом.
Маънавият асослари. Кўргазмали-изоҳли қўлланма.
Андижон, “Ҳаёт” нашриёти, 2010 йил.

С Ў З Б О Ш И

Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон - эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир.

Ислом КАРИМОВ.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ижтимоий-гуманитар фанлар коммунистик мафкура тазйиқидан халос бўлди. Уларнинг оммани зўравон мафкура руҳида тарбиялашига чек қўйилди. Эндиликда жамият ва инсон ҳақидаги бу фанлар жамият ва инсон муносабатларини холис тадқиқ қилишга, маънавият ва унинг қадриятлари мазмун-моҳияти ва ижтимоий функцияларини тушуниш, аҳамиятини кучайтиришга хизмат қила бошлади.

Янги давр ўқув юртларида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишнинг самарасиз бир андозали методларидан воз кечиш талабини қўйди. Олий ўқув юртларида ўқилган маърузалар талабаларнинг ўн фоизигагина таъсир қиларди. Машғулотларда маърузачи фаол, тингловчи эса пассив “қабул қилувчи” эди. Аслида ҳар икки томон фаол бўлгандагина машғулот самара бера олиши миллий педагогикамиз тарихида ҳам, хорижий давлатлар таълим соҳасида ҳам тасдиқланган ҳақиқат. Эндиликда ана шу анъанавий ўқитиш методини янги давр имкониятларидан фойдаланиб таълимга кенг жорий қилинмоқда. Бу талаб “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури”да алоҳида таъкидланган. Уларнинг изчил бажарилаётганлиги олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ҳамда умумтаълим мактабларида педагогик технологиялар ва педагогик инновацияга алоҳида аҳамият берилаётганлигида яққол намоён бўлади.

Бироқ, педагогик технологиялардан фойдаланиш ҳозирча давр талаби даражасида, дея олмаймиз. Таълим соҳасида янги педтехнология-дан фойдаланишнинг аҳамиятини англаш даражамиз ҳамон оқсамокда. XVII асрда яшаб ўтган буюк чех педагоги Ян Амос Коменский илмий асарларида ўз даври педагогикаси амалиётида кўп гапириш анъанасини танқид қилиб, ўқитишнинг кўргазмали тартиби ғоясини илгари сурган эди. Олим бундай тартиб ҳар томонлама билимли, мустақил фикрловчи теран инсон шахсини тарбияловчи омил эканлигини таъкидлаганди. Коменский ғояси бугун ҳам илмий концепция сифатида ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли классик асарида маънавиятни қудратли кучга айлантиришнинг асосий масалалари ва амалий вазифаларига доир қимматли илмий йўл-йўриқлар илгари сурилди. “Маънавият ҳақида ҳар қанча даъватлар, муҳим назарий фикрлар билдирилмасин, агар уларни жамият онгига сингдириш учун доимий иш олиб бормасак, бу борадаги фаолиятимизни ҳар томонлама пухта ўйланган тизимли равишда ташкил этмасак, табиийки, биз кўзланган мақсадга эришолмаймиз, яъни инсон қалбига йўл тополмаймиз”¹, —деб таъкидланади китобда.

Демак, инсон қалбига йўл топиш маънавиятни енгилмас кучга айлантиришнинг ҳал қилувчи шартидир.

Қўлланма муаллифлари унинг нуқсонсизлигини асло даво қилмайди. Аксинча, улар ҳақида айтиладиган фикр-мулоҳазалар учун ҳамкасбларига олдиндан самимий миннатдорлик билдирадилар.

-
1. Ислон Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч.
Тошкент, “Маънавият” – 2008, 129-бет .

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ТИКЛАНИШ КОНЦЕПЦИЯСИ, УНИНГ МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТДАГИ АҲАМИЯТИ

Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг “Ўзбек модели”да янги жамият барпо қилишнинг асосий омили сифатида миллий-маънавий тикланиш устувор ўринни эгаллайди. Бу албатта, бежиз эмас. Маънавият жамият тараққиёти, миллат камолоти ва шахс баркамоллигини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади, чунки, маънавият ривожлангандагина жамиятда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади ҳамда мамлакат ва миллат тараққий этади. Бу ўз навбатида шахснинг баркамол ривожланиши учун ғоят катта аҳамият касб этади.

Ислом Каримов таъбирича, моддийлик ва маънавият жамиятнинг гўё икки қанотидир. Президентимиз мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин она заминимизда демократик жамиятни қуришнинг назарий концепциясини ишлаб чиқар экан, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни қайта қуришни миллий-маънавий тикланиш билан уйғун бўлиши кераклигини илмий асослаб берди. Юртбошимиз ўзининг ҳажм жиҳатдан ихчам аммо, мамлакатимизда янги жамият қуришнинг илмий-назарий асосларини акс эттирилиши жиҳатдан мукамал, фундаментал дастур бўлган “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” номли асарида мустақилликдан кейин Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий соҳасидаги стратегик вазифаларини пухта ифодалайди. Умуман, асар Ўзбекистонда янги жамият қуришнинг илмий асосланган дастури ҳисбланади. Чунки унда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни қайта қуриш соҳасида илгари сурилган барча ғоялар ўтган даврда ўзининг ифодасини топди ва жамиятимиз тубдан янги босқичга кўтарилди.

Ислом Каримов ўз асарларида мустақил Ўзбекистонни ривожлан-тиришнинг маънавий-ахлоқий негизларини кўрсатиб берар экан, “Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади”, деб кўрсатади ва қуйидагиларни белгилаб беради:

- умуминсоний кадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлан-тириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик.

Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” деб номланган янги китобида олдинги асарларида илгари сурган концептуал ғояларни янада бойитди, маънавиятга оид муаммоларни тизимлаштирди ва уларни илмий талқин қилиб берди, янги илмий мазмун билан янги босқичга кўтарди. Бу ғоялар маънавий-мафкуравий ишларнинг фидоийлари учун ҳаракат дастури, фан учун илмий методология бўлиб хизмат қилади.

Мазкур қўлланманинг дастлабки чизмасида Ўзбекистон Респуб-ликаси Президенти Ислом Каримовнинг жамиятимиз маънавий ҳаётини тубдан янгилаш, асрий маънавий кадриятларимиз ва умуминсоний кадриятлар асосида юксак фазилатлар соҳибларини тарбиялашнинг илмий-фалсафий ва амалий муаммолари ечиб берилган асарлари тилга олинган. Ўқитувчи мазкур асарларда илгари сурилган ғоялар, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти бўйича талабаларга қисқача маълумот бериши тақозо қилинади. Намуна тариқасида Юртбошимизнинг “Юксак маъна-вият–енгилмас куч” номли янги асари бўйича талабаларга қандай билим-лар бериш масаласига тўхталиш мумкин.

Бу ўринда энг аввало китобнинг ёзилиш сабаблари ва мақсадлари таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади ва бу унинг “Муқад-дима”сида талқин қилинган. Унинг охирида муаллиф ўз асарининг ёзилиш сабаби ва мақсадларини қуйидагича ифодалайди: **“Ушбу китоб инсоннинг юксалишида маънавият оламининг қандай таъсир ва аҳамиятга эга экани, шунингдек, маънавиятга қарши қаратилган хуружларнинг реал хавфи ҳақида атрофлича фикр юритиш, халқимиз янги ҳаёт, янги жамият асосларини қураётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда одамларни бундай хатарлардан огоҳ этиш, эл-юртимиз, кенг жамоатчилик эътиборини бу масалаларга яна бир бор қаратиш, келажак авлодимизни маънавий соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш билан боғлиқ вазифаларни аниқ белгилаб олиш борасидаги ҳаётий эҳтиёж маҳсули сифатида дунёга келди”**¹.

Демак, юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир инсон ўзлигини англаши, халқимиз яратган бой ва ноёб қадимий тафаккур дурдоналари, тарихи, маданияти, буюк маънавият тимсолларини асосли, чуқур ва ижодий ўрганиши, ҳозирги даврда маънавиятимизга, онгу шууримизга қилинаётган ташқи ва ички хуружлар, ёвуз мақсадларни англаши ва уларга қарши тура олиши; янги жамият қуришдаги ҳар бир ўзгаришга даҳлдорлик туйғусига эга бўлиши тақозо қилинади.

1. Ўша жойда. 16-17 бетлар.

1-чизма. ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШ КОНЦЕПЦИЯСИ (АСОСИЙ МАНБАЛАР).

Бугунги кунда мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият пойдеворини барпо этишда эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш масаласи биз учун ғоят долзарб аҳамиятга эга.
Ислом КАРИМОВ



Президентимизнинг чизмада санаб ўтилган асарлари, барча маъруза ва нутқларидаги маънавиятга оид фикрлари бир мақсадга – жамиятимизнинг истиқболи юксак маънавиятга боғлиқлигини асослаш ва ишон-тиришга қаратилган.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МАЪНАВИЯТ ВА МАЪНАВИЙ ТАРБИЯГА ОИД АСОСИЙ ҒОЯЛАРИ

Ислом Каримов янги Ўзбекистоннинг донишманд, довюрак, мард, камтар, бағрикенг, жасоратли, ғайрат ва шижоатли раҳбари сифатида аллақачон дунёга танилди. Юртбошимизнинг она Ватанини дунёга танитиш ва унинг нуфузини ошириш борасидаги хизматлари алоҳида таҳсинга сазовор. Айниқса, Президентимизнинг миллий маънавиятимизни тиклаш ва юксалтириш соҳасидаги хизматлари бу буюк шахс фаолиятининг ноёб феномени ҳисобланади. Агар биз бугунги маънавий ҳаётимизни яқин ўтмишдаги ҳолатига қиёсласак бунга тўлақонли ишонч ҳосил қиламиз.

“Ўзбек иши”, “Пахта иши” ниқоби остида жон талвасасига тушган совет давлатининг ўзбек халқига қарши ўтказган зулми, зулмга қарши эл-юртнинг ошкора норозилигининг жунбушга келиши, озиқ-овқат тақчиллиги, сиёсий ва диний экстремизмнинг намоён бўлиши ва бошқа воқеалар жамиятимиз барқарорлигига дахшатли таҳдид солди. Ана шундай оғир, таҳликали бир шароитда сиёсат майдонига чиққан Ислом Каримов донишмандларча йўл тутди: майиб бўлган халқ руҳини кўтариш, эртанги кунга ишонч туйғусини қарор топтиришга фавқулудда аҳамият берди. Бўкадаги тўс-тўполонга от миниб кирган Президент ҳеч ким кутмаган бир ғоя билан хитоб қилди:

- “Мен Марказнинг буйруғи билан эмас, виждоним амри билан ишлайман. Халқимга атаб қўйган орзуларим бор. Бунинг учун тинчлик, аҳиллик керак!” – Бу хитоб оломонни лол қолдирди, келажакка, истиқболга ишонч уйғотди.

Демак, Ислом Каримовнинг тинч, осойишта ҳаётга, эртанги кунга ишонч билан яшашга чақириғи мустақиллик, халқ бахт-саодати учун буюк куч берди. Ана шундай сазй-ҳаракатлари билан юртимизда тинчлик қарор топтирилди. Бу – энг буюк ютуқ эди. Президентимизнинг мустақиллик ва “Халққа тинчлик ва эртанги кунга ишонч керак!” деган буюк ғоялари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, “Ўзбек иши” билан ноҳақ жазоланган 13000 нафар маҳбусларни озодликка чиқариш, 3 миллион оилага 600 минг га ер бериш ва 1991 йил 31 августда Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилиш билан мустаҳкамланди.

Чизмада Ислом Каримов маънавий ислохотларни амалга оширишга оид ғоялари ифодаланган. Дарс машғулотида ана шу ғоялар илгари сурилган манбалар, уларнинг мазмун-моҳияти, илмий ва амалий аҳамияти, ҳаётга тадбиқ қилиниши, “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асар материаллари асосида талқин этиш тавсия қилинади. Бунда талабаларнинг асарни ўрганиш жараёнида фаол қатнашишларини ташкил қилиш керак.

Ислом Каримов донишманд файласуф сифатида “Маънавият”, “Маънавий янгиликлар”, “Ўзликни англаш” каби таянч атамаларнинг маъно ва моҳиятини илмий таърифлаб берди. У ўзининг ташаббуси билан ташкил қилган маънавий-маърифий муассасалар раҳбарлари ва ходимларини, тарғиботчи ва ташвиқотчиларни маънавиятнинг инсон шаклланишидаги, жамият ривожланишидаги ўрни ва ролини ҳаққоний ифодаловчи ғояларни тақдим қилди.

Маънавиятни янгилаш жараёнида яратилган Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асари, нуфузли файласуф олимларимиз таърифлаганидек, маънавият бўйича назарий-методологик манба ҳисобланади. Унда маънавиятнинг ижтимоий-фалсафий ва долзарб амалий вазифалари “Муқаддима”, тўрт боб ва “Хотима” да ифодалаб берилди. Асар жонли, тушунарли, қизиқарли, содда, илмий ва амалий фикрларга ғоят бойлиги билан диққатни тортади. Юртбошимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асари кенг китобхонларда беқиёс қизиқиш уйғотди ва маънавий ҳаётимизда катта воқеа бўлди.

Шунинг учун ҳам мазкур асар барча тилдаги мактабларда, меҳнат жамоаларида, аҳоли орасида чуқур ўрганилмоқда.

Бунинг сабаблари шундаки, “ушбу китоб инсоннинг юксалишида маънавият оламининг қандай таъсир ва аҳамиятга эга экани, шунингдек, маънавиятга қарши қаратилган хуружларнинг реал хавфи ҳақида атрофлича фикр юритиш, халқимиз янги ҳаёт, янги жамият асосларини кураётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда одамларни бундай хатарлардан огоҳ этиш, эл-юртимиз, кенг жамоатчилик эътиборини бу масалаларга яна бир бор қаратиш, келажак авлодимизни маънавий соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш билан боғлиқ вазифаларни аниқ белгилаб олиш борасидаги ҳаётий эҳтиёж маҳсули сифатида дунёга келди”.

Худди шунинг учун ҳам Президентимиз китобининг мазмун-моҳиятини кунт билан ўрганиш нафақат маънавият ва маърифат фидойиларининг, талабаларнинг, балки ҳар бир оила соҳиб ва соҳиба-ларининг, маҳалла фаолларининг, жамоат ташкилотлари аъзоларининг долзарб вазифаси бўлиб қолди. Зеро, асарда уларнинг маънавий-маърифий ва мафкуравий тарбиядаги ўрни, роли ва вазифалари аниқ-равшан ифодалаб берилган.

2-чизма. МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҒОЯЛАР

Ёшлар халқ маънавиятининг муносиб
эгаларидир.

Ислом КАРИМОВ



“МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ

“Маънавият” атамаси арабча сўз бўлиб, “маъни”, “маъно”, “руҳ”, “ақл”, “онг” маъноларини ифодалайди. Кенг маънода “маънавият-инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир...” (И.Каримов).

Кишилиқ жамияти ва инсон ҳаётини маънавиятсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Маънавият тушунчаси жамият ҳаётидаги фалсафий, илмий, ахлокий, диний, ғоявий, мафкуравий, эстетик қарашларни бир бутунликда ифодалайди. У жамиятнинг ажралмас бир томони, жамият ва инсон тараққиётининг манбаидир. Инсон маънавияти одамзотнинг олам, одам ва жамият, уларнинг ривожланиш қонунлари, ўзаро алоқадорлиги ва боғланишлари ҳақидаги тасаввур ва тушунчаларини ифодалайди. Кишилар ана шу манба воситасида табиатга самарали таъсир ўтказади. Ақлини чархлайди, ўзаро муносабатларини оқилона ташкил қиладди, муносиб яшашга интилади. Худди шунинг учун ҳам қадим-қадимдан донишмандлар маънавият, унинг моҳиятини билишга уринганлар, у ҳақда бой ва ранг-баранг билим ва қарашларни илгари суришган. Бу жараён ҳозиргача давом этмокда. Зеро, маънавий ҳаёт бамисоли улкан бир уммон. Уни ўрганиш – инсон камолотининг шarti, инсон камолоти эса жамият равнақининг қудратли кучидир.

Масалани тўлақонли таҳлил қилишда Ислom Каримовнинг “Юксак маънавият—енгилмас куч” асарининг “Маънавият – инсоннинг улғайиш ва куч-қудрат манбаидир” деб номланган биринчи бобидан фойдаланиш тавсия қилинади.

3-чизма. МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ

Маънавият – жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни мужассам этади.

Ислом КАРИМОВ



МАЪНАВИЯТНИНГ ИЖТИМОЙ ВАЗИФАЛАРИ

Чизмада маънавият бажарадиган ижтимоий вазифаларнинг асосий томонлари ифодаланган.

Муаммони таҳлил қилишда Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асари илмий асос қилиб олинади. Чунки асарда маънавиятнинг жамият ва инсон ҳаётидаги буюк ўрни ва аҳамияти ҳар томонлама илмий ёритиб, талқин қилинган. Айниқса, унда маънавиятни менсимаслик, моддий ҳаётни ундан устун қўйиш сиёсати амал қилган тоталитар тузум жамият ва инсон учун ҳалокатли оқибатларга сабаб бўлганлиги асосли танқид илинган.

Президентимиз асарида халқимизнинг узоқ тарихи давомида ривожланган ва бизга мерос бўлиб қолган ғоят ноёб дурдоналари талқинида уларнинг тараққиётда бажарган вазифалари ҳам асосли таҳлил қилинган.

Маънавиятнинг ижтимоий вазифаларидан бири кишилар ўртасидаги муносабатларни ахлоқий меъёрлар асосида тартибга солишдир. Ислом Каримов асарида бир-бирига қарама-қарши бўлган, бир-бирини инкор қиладиган икки хил ҳаётий қараш таҳлил қилинади ва уларга баҳо берилади: “Биринчиси, ўз нонини ҳалол меҳнат билан топадиган, холис ва эзгу ишлар билан эл-юртга наф етказадиган, тириклик мазмунини теран англаб, нафақат бугунги ҳаёт лаззатлари, балки охират ҳақида, унинг обод бўлиши ҳақида ўйлаб яшайдиган инсонларга хос ҳаётий қарашлар. Иккинчиси, бунга мутлақо қарама-қарши бўлган ёндошув, яъни, ҳаётнинг маъно-мазмунини ҳақида бош қотирмасдан, бундай саволлар билан ўзини қийнамасдан, фақат нафс қайғуси ва ўткинчи ҳою ҳавасга, ҳузур ҳаловатга берилиб, енгил-елпи умр кечирадиган, ўзининг ота-она ва фарзанд, эл-юрт олдидаги бурчига бефарқ бўлиб яшайдиган одам-ларнинг фикр-қарашлари”.

Маънавиятли одамларгина соғлом дунё қараш соҳиблари бўла олади. Улар учун виждонан яшаш ва ишлаш хос. Бунга фақат ўзини англаш, яшашдан мақсадни англаш орқали эришади.

Виждонли, номус-ориятли, ҳалол ва қалби пок инсонлар нафс, ҳою ҳавас, ўткинчи ҳаловатга, оталик, оналик, фарзандлик, раҳбарлик, фуқа-ролик, талабалик каби бурч ва жавобгарликка бефарқ одамларнинг қарашларига нафрат билан муносабатда бўлади, ўзини ана шундай қарашлардан пок сақлашга интилади.

Президентимизнинг янги китобида “бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат – бу маънавий жасорат”, деб таърифланади.

Юртбошимиз Платон, Ибн Ироқ, Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Хўжандий, Муҳаммад Хоразмий, Найсабурий, Жордано Бруно, Галилей, Маҳатма Ганди, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби буюк шахсларнинг, шунингдек, замондош юртдошларимиз академик Яхё Ғуломов, шоира Зулфияхоним, олим ва жамоат арбоби Озод Шарофиддиновларнинг маънавий жасоратларини талқин қилади.

Маънавий жасорат соҳибларининг хизмати маънавиятга қўшган буюк ҳиссалари билан белгиланади. Айни вақтда улар тимсолида маънавиятнинг жамият ва инсон учун бажарадиган буюк вазифалари ҳам яққол ифодаланади.

Дарсда бугунги кунда ҳам ёниб яшаётган ва ёниб ишлаётган маънавий жасорат соҳибларидан мисоллар келтириш ўринли бўлади. Намуна тариқасида Ўзбекистон халқ артисти, машҳур бастакор, созанда ва ҳофиз Ғуломжон Хожикуловни тилга олиш мумкин. Уни танимаган соз ва мумтоз кўшиқ шинавандаси бўлмаса керак.

Оддий деҳқон фарзанди Ғуломжон болалигиданоқ санъатга ихлос қўйди. Бу ихлос уни Тўхтасин Жалилов, Комилжон Жабборов, Ғанижон Тошматов каби устозларнинг назарига туширди. Улардан ғижжак ва камонда мумтоз миллий куйлар ва кўшиқларни қойилмақом қилиб ижро этишни ўрганди.

Эл севган санъаткор узоқ йиллар Бобур номидаги Андижон вилоят театрида дирижёрлик қилди, ўнлаб кўшиқларга мусиқа басталади. Улар халқимизга кўшиқ санъатининг олтин хазинасидан жой олди. Айниқса, санъаткорнинг “Гиря”си, шоир Завқийнинг “Айлаб келинг” ғазалига басталаган куйи унинг доврўғини оширган.

Ғуломжон отанинг хотираси ниҳоятда кучли. “Хотирам мақом куйларининг хазинаси,- дейди санъаткор. – Бир минг беш юз куйни адашмай чалавераман”. У ана шу мумтоз куйларни юксак маҳорат билан чалганда юракларни сел қилиб юборади. Отахон созанда ва ҳофиз саксон

баҳорни кўрди, аммо у ҳамон эл хизматида, элни маънавиятимиз дурдоналаридан баҳраманд қилиш билан банд. У ҳозир З.М. Бобур номидаги Андижон Давлат университети профессори, бўлажак мусиқа мутахассисларини тарбиялашда жонбозлик кўрсатяпти. У ниҳоятда содда, камтар, фарзандпарвар, ширинсўз, хушмуомала инсон сифатида ёшларга маънавиятнинг тимсоли ҳисобланади.

Чизманинг мазмунини таҳлил қилишда ҳаётимиздаги ана шундай тимсоллардан фойдаланиш тарбиявий аҳамият касб эта олади.

4-чизма. МАЪНАВИЯТНИНГ ИЖТИМОЙ ВАЗИФАЛАРИ

Инсон ўз тимсолида ҳам моддий, ҳам
маънавий хусусият ва аломатларни мужассам этган
ноёб хилқат...
Ислом КАРИМОВ



МАЪНАВИЯТ ТИЗИМИ ВА УНИ ШАКЛЛАНТИРАДИГАН МЕЗОНЛАР

Маънавият мураккаб бир бутун тизимга эга. Унинг инсон онги, тафаккури ва тил воситасида ифодаланадиган диний ва илмий-синкретик типлари умуминсоний ва миллий шакллари мавжуд.

Айниқса, маънавиятни шакллантирадиган мезонлар ранг-баранг, бой ва сермазмун. Улар тизимига олимларимизнинг катта ва машаққатли меҳнатлари билан топилган қадимги аجدодларимиз даврига оид асори-атиқалар, тасвирий санъат қолдиқлари, уй-рўзғор буюмлари, “Авесто”дек ноёб диний-фалсафий манба, “Алпомиш”дек бадиий-тарихий дoston ва бошқаларнинг ўзиёқ халқимизнинг ғоят бой ва қадимий маънавият дурдоналарига эга эканлигидан далолат беради.

Бундан қирқ йилча аввал Чикаго университети (АҚШ) олимларининг **“Жаҳон халқлари тарихи”** номида икки томли маълумотнома эълон қилинган эди. Унинг иккинчи томида **“Ўзбек”** атамасига шундай таъриф берилган: **“Ўзбек – жаҳон халқлари орасида биринчилардан, туркий халқлар орасида биринчи бўлиб ўтроқлашган, маданий турмуш кечирган, жаҳон цивилизациясига ҳисса қўшган миллат”**.

Юқоридаги “ўтроқлашган”, “маданий турмуш кечирган”, “жаҳон цивилизациясига ҳисса қўшган” каби тушунча ва фикрларга эътибор берайлик. Улар заминида чуқур, илмий асосланган тарихий ҳақиқатларни эътироф этиш ифодаланади. “Ўзбек”ни хорижликлар ана шундай таърифлаган бир пайтда тоталитар социализмда компартиянинг дастурида “коммунистик жамиятда миллатлар ўзаро яқинлашиб ва қўшилиб кетади” деган хомхаёлий ғоя ҳукмрон эди. Социализмнинг миллий маънавиятга тажовузкорона сиёсати нафақат миллий, шу билан бирга умуминсоний маънавиятга ҳам путур етказди.


Мустақиллик ўзбек халқининг бой маънавий меросини тиклаш ва ривожлантириш истиқболини очиб берди. Табаррук диёримиздан етишиб чиққан, башарият фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган дунёвий ва исломий билимларнинг буюк кашшофлари, номлари инсоният тарихидан муносиб жой олган давлат ва сиёсат, ҳарбий, санъат, адабиёт бобидаги шахсилар эндиликда халқимизнинг ғурур ва ифтихори, маънавий янгилиниш ва ўзликни англашнинг тимсоллари бўлиб қолди.

Ушбу масалалар Президентимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида мухтасар таҳлил этилган.

5-чизма. МАЪНАВИЯТ ВА УНИНГ ТИЗИМИ

Маънавиятни тиклаш ва ривожлантириш – янги жамият қуришнинг устувор йўналиши. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйикдан, қулликдан қутулмаса инсон тўла озод бўлолмайди.

Ислом КАРИМОВ



МАЪНАВИЯТ ВА ОНГНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ.

“Маънавиятни тушуниш, англаш учун,—деб даъват қилади Ислом Каримов,—аввало инсонни тушуниш, англаш керак”. Инсонни тушуниш, англаш сўзсиз инсон онги, унинг хусусиятларини билишни ҳам тақозо қилади. Чунки маънавият инсон онги билан узвий боғланган.

Файласуфлар учун ўта мураккаб жумбоқ бўлган онг юксак даражада ташкил топган материя – миянинг олий функциясидир. Онг инсон ва жамият ҳаётида фаол рол ўйнайди. Онг инсонгагина хос, тил билан, маънавият билан алоқадор ҳодиса. Онг тил, маънавият билан бирликда инсон воқеликни умумлаштириш ва инъиносли ахборот асосида муайян мақсадни белгилаш, режалаштириш, ҳаракат қилиш, бўлажак натижани тасаввур қилишга эришади. Онг асосида инсон ўзини англайди, назорат қилади, фаолият олиб боради.

Инсон биосоциал мавжудотдан социобио-логик мавжудотга ўтиш жараёнини бошидан кечиришида ейиш-ичиш, кийиш-кийинтириш билангина яшай олмайди. Шу билан бирга инсон атроф – олам ва одамлар, дунёда, коинотда, фан ва динда, маданият ва турмуш тарзида содир бўлаётган ўзгаришлар бўйича маънавий-руҳий озуқага муҳтождир.



Маънавий-руҳий озуқасиз қашшоқ одамни моддий неъмат билан тўйдириб бўлмайди. Инсон мана шу ҳақиқатни англаши, яъни маънавият-сиз – жамият йўқ, келажак йўқлигини билиши ва ўз маънавиятини бойи-тиши заруратлигини тушуниши лозим.

6-чизма. МАЪНАВИЯТ ВА ОНГНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ

Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, халқ, виждон, муста-қил ватанимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, эркинлик-маънавиятнинг ана шундай маъноси кенг.

Ислом КАРИМОВ.





МАЪНАВИЯТ ВА ИНСОН ТАБИАТИ

Маънавият онг каби инсонгагина хос ижтимоий ҳодиса. “Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл”, “Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин” каби халқ мақоллари маънавият инсон ва жамият тараққиётининг кучли омили, инсон табиатига хос реаллик эканлигини ифодалайди.

Мазкур чизмада инсон ва унинг табиати ҳақидаги диний ва илмий-фалсафий таълимотлар зикр қилинади. Қайд қилиш керакки, жамият вужудга келгандан бошлаб ҳозиргача инсон ўзини англашга, билишга уриниб келади. Бу ҳақда қадимги юнон файласуфи билан боғлиқ ибратли бир ривоят кенг тарқалган. Унда ҳикоя қилинишича буюк файласуф яқин дўстига: “Мен бир нарсани топишим зарур” деб сафарга чиқади. Олим излаган нарсаси нималигини айтиб беролмайди. Аммо дўсти билан мамлакатадаги барча фалсафа мактабларида бўлиб, ўша нарсани тополмай изтироб тортади. Кунларнинг бирида файласуф бир ибодатхона пештоқидаги оддий ёзувни кўриб ўзида йўқ даражада ҳаяжонланиб чапак чалиб юборади.

— Мана, мен излаган нарса, — дея сакраб дўстини қаттиқ қучоқ-лайди. Ўша ёзув “Ўзингни англа!” деган чакириқ экан. Файласуфлар шундан бери инсонларни ўзини англаши борасида бош қотиришади. Аммо ҳануз унинг ечимини топишолмайди. Сабаби инсон бўлишнинг ғоят қийинлиги. Бошқача айтганда инсон табиатининг, инсон маънавий дунёсининг ғоят мураккаблигида. Шу нуқтаи назардан қараганда Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” китобида ҳаётнинг маъно-мазмунини икки хил тушуниш, икки хил, бир-бирига карама-қарши дунёқарашнинг борлигига урғу берганлиги ва уларни талқин этганлиги ниҳоятда асосли ва аҳамиятлидир. (қаранг: 20-28-бетлар).

Китобда инсоннинг руҳий покланиши ва қалбан улғайиши — маънавиятнинг негизи ва маъно — мазмунини белгилайдиган асосий хусусият сифатида талқин қилинади. Ҳаётда ҳалол ва пок яшашни ҳаётий эътикод, ягона мақсад деб ҳисоблайдиган кишилар кўпчиликни ташкил қилади. Ана шундай қараш маънавиятнинг барҳаётлигини таъминлайди.

Минг афсуски, яшашнинг мазмуни ҳақида ўйламай, бу ҳақда ўзини қийнамай, моддий ва шахвоний нафс қули бўлиб умргузаронлик қилувчилар ҳам бор. Улар дунёқарашни нафс бандалари учун ҳам, жамият ва оила учун ҳам, айниқса, ёшлар тарбияси учун ғоят хавфли.

Бинобарин, маънавий-маърифий тарбия инсонни виждонан пок ва бедор яшашга қаратилган. У Ватан, оила, инсон раўнақининг қудратли кучидир.

6-чизма. МАЪНАВИЯТ ВА ИНСОН ТАБИАТИ

... Оллоҳнинг ўзи инсон зотини вужудга келтирар экан, уни турли қиёфада, нафақат юз-кўзи, балки феъл-атворини ҳам бир-бирига ўхшамайдиган қилиб яратган.

Ислом КАРИМОВ



МАЪНАВИЯТНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ

“Бугунги кунда олдимизда турган энг муҳим вазифаларни кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, аҳолининг кундалик эҳтиёжларига бевосита дахлдор долзарб масалаларни ҳал қилиш билан бир қаторда биз эски тузум даврида инсон ҳаётининг негизи ва мураккаб томонлари, миллий кадриятлар, тарихий анъаналар, умуминсоний маънавий бойликлар билан ҳисоблашмаслик жамиятимизга қанчадан-қанча зарар келтирганини унутмаслигимиз керак”, - деган эди Ислом Каримов 1990 йил 24 март куни бўлиб ўтган республика Олий Кенгашининг сессиясида қилган маърузасида.

Бу мустақилликдан қарийб бир ярим йил олдин айтилган фикр эди. Ўша кунлар мустабид тузумнинг ўлим тўшагида, жон талвасасида эканини, бутун қизил империяда, шунингдек, Ўзбекистонда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий вазият ниҳоятда кескин бўлганини бугунги ёшлар, айниқса талабалар чуқур билишлари ниҳоятда зарур.


Республикада вазият ниҳоятда қалтис эди. Озиқ-овқат танқислиги, турли номларда сиёсий сахнага чиққан сохта демократларнинг митингбозлиги ва уларнинг республика раҳбариятига асоссиз ва тухматона чиқишлари, диний ақидапарастларнинг ғайриқонуний ва ғайриисломий ҳатти-ҳаракатлари, кўшни республикада марказ қўли билан юз беган миллий низо ва бошқа воқеалар вазиятни янада оғирлаштирди. Ана шу суронли ва синовли кунлари Президентимиз жамиятимизни тубдан янгилашнинг, мустақил ривожланишнинг самарадорлиги халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, фан ва маданиятимиз, санъатимиз ва халқ таълимимизнинг юксалиши билан узвий боғлиқлиги ҳақидаги илҳомбахш ғояни, долзарб вазифани илгари сурди.

7-чизма. ХАЛҚ МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИ – ОЛТИН ХАЗИНА

Биринчи навбатда миллий маданиятимиз, -Халқ маънавий бойлиги-нинг илдизларига эътибор бериш зарур. Бу хазина асрлар давомида мисқоллаб тўплан-ган...

Бизнинг вазифамиз ана шу хазинани кўз қора-чиғимиздек асраш ва янада бойитиш.

Ислом КАРИМОВ



МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ

Маънавият маърифат билан узвий боғланган. Кўпинча бу икки тушунча бир маънода қўлланилади. Аслида улар ўзаро фарқ қилади. Ҳар иккисининг ўз маъно-мазмунни бор. “Маънавият” атамаси кишиларнинг фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, илмий, диний, бадий, ахлоқий тасаввурлари ва тушунчалари мажмуини ифодалайди. “Маърифат” (арабча-билиш, идрок қилиш, тушуниш) – инсоннинг борлиқдаги нарса ва ҳодисалар ҳақидаги билимлардан воқиф бўлиб бориши, ўз билимларини оширишга ва ўз фаолиятида тўғри тадбиқ қилишга интилишини ифодаловчи тушунчадир.

Маърифат – илми-ҳикматни донишмандлар, уламолар, олимлар, бадий ижод соҳиблари яратади. Улар жамиятнинг фан ва дин олдига қўйган долзарб муаммолари ечимини ҳал қилишга интилади, халқ мушкулини ҳал қиладиган ҳикматлар тақдим қиладилар.

Маънавият ва маърифат муносабатини ўрганишда ислом маърифатига, тасаввуф фалсафасига алоҳида эътибор бериш тавсия қилинади. Негаки, бошқуа жаҳон динлари каби ислом дини ҳам инсонни инсонийлаштиришга, инсонга мураббийлик қилишга хизмат қилувчи диндир. У инсон онги ва қалбини илм нури билан ёритади. Бу нур иймонни қарор топтиради. Қалби маърифат нуридан баҳраманд иймонли инсон ҳалол яшайди, харомдан ҳазар қилади; рост сўзлайди, ёлғонни оғир гуноҳ деб билади; нафсини ақл билан жиловлайди, назорат қилади, баднафсликдан сақланади; ислом маърифат художўйлик никобидан уни бузишга, динни тиклашдек ёлғон - куфр йўл билан ўз диндошини кофирликда айблаб қўл кўтармайди.

Бу ўринда тасаввуф фалсафасига, унинг илми-маърифатига урғу бериш жоиз. Зеро, тасаввуф маърифати бизнинг давримизда нафрат уйғотадиган хилма-хил шакл ва номлардаги ижтимоий ва диний тартибсизликларга барҳам бера оладиган дармонлардан биридир.

Ислом унинг рукнларига изчил риоя қилувчиларга жаннатдан жой берадиган дин эмас. Аксинча, у инсон қалбини ифлосликдан тозаловчи маърифий-маънавий ва ақлий билимлар мажмуи ва қўлланмасидир, қуалбни соғлом қилишни мақсад қилиб қўйган диндир. Тасаввуф ана шу ҳақдаги ақидалар тизими ва илмидир. Пайғамбаримизнинг уйидаги мусулмонлар учун бўйсунуш амрига айланган қуйидаги ҳадиси тасаввуф фалсафасининг концепциясини ташкил қилади:

Танада шундай бир аъзо бор, агар у соғ бўлса, тана соғломдир, агар у бузилган бўлса, бутун тана бузилгандир. У қалбдир.

Тасаввуф даҳолари исломий фалсафа ва мактаб сифатидаюқоридаги ҳадис асосида қалб ҳолатини ўрганиш ва уни соғломлаштириш усулларини кашф қилдилар. Айниқса бу муаммо бўйича Имом қаламига мансуб “Иҳйа улум уд-дин” (“дин илмларининг жонлантирилиши”) асари тенгсиз асардир. Унда инсон қалби, унинг билан боғлиқ масалалар жуда чуқур теологик ва

фалсафий таҳлил ва талқин қилинган. Машҳур илоҳиётчи Нававий ана шу китобни шундай таърифлаган эди:

“Ислом ҳақида ёзилган китоблардан “Ихйа...”дан бошқаси йўқолиб кетган тақдирда ҳам у барчасининг ўрнини босиши мумкин”.

Бугунги талабалар бахтига ислом маърифатининг “Қуръон”, “Ҳадис” каби манбаларидан кейинги манба бўлган Имом Ғаззолий асари “Ихйа...”ни она тилида ўқиш имконияти яратилди. Бундан баҳраманд бўлиш ва ислом маърифатини эгаллаш лозим.

8-чизма. МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ

Илм-маърифатга қизиқиши суст миллат-нинг
келажаги ҳам бўлмайди.

Ислом КАРИМОВ



МАЪНАВИЯТ ВА МАФКУРА

Чизмада маънавиятнинг мафкура билан боғлиқ муаммоларига оид фикрлар мағзини ифодалашга ҳаракат қилинган. Бундан мақсад ҳар икки ҳодисанинг ўзаро алоқадорлик ва ўзаро таъсирнинг моҳиятини, айтилиш вақтида ўзбек халқи миллий мафкурасининг маънавий янгилашдаги ўрни ва вазифаларини аниқлаш, таҳлил қилишдир.

Дарсда мазкур муаммони ўрганишда қуйидаги атамалар мазмун-моҳиятини билишга етакчи эътибор бериш тавсия қилинади:

- **маънавият;**
- **ғоя;**
- **миллий ғоя;**
- **мафкура;**
- **миллий мафкура;**
- **мустақиллик;**
- **этикод;**
- **ғоявийлик;**
- **ғоявий бўшлиқ;**
- **ғоявий кураш;**
- **мафкуравий таъжоввуз;**
- **мафкуравий иммунитет ва бошқалар.**

Шуни мамнуният билан қайд этмоқ керакки, “Маънавият”, “Миллий мафкура”, “Миллий ғоя” каби муқаддас тушунчалар мустақиллик шарофати билан шаклланди, ижтимоий фанларда ўрганила бошланди ва жамиятнинг янгилашига самарали таъсир қила бошлади. Бу улуғвор тарихий ишларнинг ташкилотчиси ва илмий кашшофи Президентимиз Ислам Каримов бўлдилар.

Юртбошимиз 1989 йилданок ўзбек халқининг миллий қадрият-ларини, социализм даврида хор қилинган маънавий қиёфасини тиклаш ва жаҳонга танитиш масаласига катта жасорат ва донишмандлик билан киришди ҳамда ҳайратомуз фаолият олиб борди.

Совет даврида республика Олий Кенгаши сессиялари, компартия марказий комитети йиғилишлари, илмий, мафкуравий, меҳнат жамоалари анжуманлари рус тилида ўтказилар ва бу маданиятчилик белгиси қолипига айланган эди. 1990 йил 24 март куни бўлиб ўтган Олий Кенгаш сессияси Ислам Каримов ташаббуси билан ўзбек тилида олиб борилди. 1989 йил 19 ноябрда ўзбек тили давлат тили деб эълон қилинган Қонунга риоя қилинишининг тимсоли бўлди. Бу воқеа ўзбек миллатининг руҳини тўлқинлантирди, қалбига ғурур ва ифтихор бахш этди. Мустақиллик учун курашга янги куч-қудрат берди.

Мустақилликнинг эълон қилиниши — халқимизнинг асрий орзу-умидларининг рўёбга чиқиши бўлди. Мустақиллик Ўзбекистоннинг демократик давлатини шакллантириш, ҳуқуқий ва фуқаровий жамиятини барпо қилиш истиқболига йўл очди.

Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” номли асарида миллий ғоя ва миллий мафкура категорияларининг жамият ва инсон ҳаётига. Ижтимоий тараққиётга, маънавий юксалишга таъсирининг фалсафий тизими тақдим этилди.

Айни вақтда миллий истиқлол мафкурасининг беш ғояси – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, ана шу асосда унинг асосий ғоялари – Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлиги, миллатлараро ҳамжиҳатлик, диний бағрикенгликни кишилар қалби ваонгига сингдириш, мафкуравий иммунитетни қарор топдириш борасидаги долзарб вазифалар давом эттирилди. Бу вазифаларни бажариш миллатимиз маънавиятини янада юксалтиришга, демак, Ўзбекистоннинг порлоқ келажагига хизмат қилади.

9-чизма. МАЪНАВИЯТ ВА МАФКУРА

Жамият мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин.

Ислом КАРИМОВ



МАЪНАВИЯТ ВА ИҚТИСОДИЁТ

Ислом Каримов маънавий ва моддий ҳаёт диалектикасини, улар уйғунлиги масаласини турлича талкин қилувчи фалсафий қарашлар хусусида шундай дейди: “одамнинг кундалик ҳаёти ва фаолиятида модий ва маънавий асослар бир-бирига нисбатан қандай ўрин тутиши, уларнинг қайси бири устуворлик касб этиши ҳақида турли-туман, баъзан эса зиддиятли фикр ва қарашлар мавжуд бўлганини ва бундай тортишувлар ҳозиргача давом этаётганини кузатиш қийин эмас.”¹

Дарҳақиқат, антик дунё файласувлари Гераклит, Демокрит моддий асосларни устивор деб ҳисоблашса, Платон руҳий оламни, Конфуций ахлоқни устивор деб билганлар. Фалсафа тарихида майдонга келган монизм, дуализм, идеализм, материализм каби оқимларнинг ғоявий илдизлари маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги масаласига бориб тақалади.

Инсоният тарихида моддийлик ва маънавият муносабати масаласида бахслар баъзан соф назарий масала доирасидан чиқиб муайян ижтимоий тузумнинг ҳукимрон мафкурасига айланган.

Масалан, яқин ўтмишда – совет даврида материя бирламчи, онг – иккиламчи, деган қарашни ифодаловчи материалистик дунёқарашга устунлик берилиши оқибатида хусусий мулкчилик ман қилинди, миллий маънавий қадриятлар, айниқса динга нисбатан тажоввуз қилинди. Оқибатда тазумнинг иқтисодиёти ва маънавияти, маданияти ва фанига улкан зарар етказилди.

Жамиятга очиқ кўз билан қараган ҳар бир оқил инсон унинг моддий ва маънавий томондан ташкил топган яхлит, бир бутун воқелик эканини кўради. Ислом Каримовнинг образли ифодасича, жамият ва унинг икки томони бирлигини парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёслаш мумкин. Битта қанот билан қуш ҳеч қачон учолмаганидек, жамият ҳам фақат моддий ёки фақат маънавий томони билан яшаши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам буюк донишмادلар жамият ўзининг ҳар икки томони уйғунлашсагина равақ топиши ҳақидаги ғояни илгари сурганлар. Масалан, Форобийнинг идеал жамият ғояси асосида давлатнинг иқтисодий равақи фуқароларнинг фозиллиги, яъни маънавиятнинг юксаклигига боғлиқ, деган мантиқ туради.

Бинобарин, моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлашган жамият, давлат, инсон ҳаётида ривожланиш жараёнлари юз беради.

Ўзбекистон мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ юқоридаги икки омилнинг уйғунлашуви ҳақидаги халқ орзусини амалга оширишга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Тараққиётнинг “Ўзбек модели”нинг беш тамойилида моддий ва маънавий ҳаётнинг уйғунлиги ифодаланган. Унинг асосида юз берган ижтимоий тараққиёт юртимиз иқтисодиёти ва маънавиятини тубдан ўзгартириб юборди.

Бугунги Ўзбекистон иқтисодиётида автомобилсозлик, самолётсоз-лик соҳаларининг вужудга келганлиги ва равақ топаётганлиги, тадбир-корлар синфининг шаклланиб, етакчи синфга айлангани, халқимиз тафаккурида миллий рух, ғурур, тарихий онгининг, миллий ғояга


¹Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият” 2008 й, 65-бет


содиқ-ликнинг, юксак ватанпарварликнинг шаклланганлиги ва бошқалар юқоридаги фикрнинг тасдиғидир.

10 - чизма. МАЪНАВИЯТ ВА ИҚТИСОД

... юртимизда моддий ва маънавий жараёнларнинг ўзаро мутаносиб тарзда ривож-лантираётгани сиёсий-ижтимоий тараққиёт-нинг мустаҳкам гарови бўлиб хизмат қилмоқда.

Ислом КАРИМОВ





МАЪНАВИЯТ ВА ЭЪТИҚОД

Маънавият тизимида эътиқод ўзига хос ўринга эга. Эътиқодсиз маънавият бўлиши гумон. Шундай экан эътиқод нима эканлигини, унинг маъно-мазмунини билиш, тушуниш тақозо қилинади.

Кишилар ўз турмушида, ўзаро муносабатларида “эътиқод”, “иймон” тушунчаларини қўллайдилар. Кўпинча инсон маънавиятига “иймонли”, “иймони сушт” ёки “иймонсиз” деб баҳо берилиши қулоққа чалинади. Бунда шахснинг динга ишончи ёки ишонмаслиги тушунилади.

Бироқ “эътиқод” тушунчаси мазмунан кенг ва чуқур. Инсон ҳар қандай сўзга ўта масъулият билан ёндошиши ва уни юксак даражада қадрлай билиши фарз. Чунки ҳазрат Навоий таърифлаганидек:

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким гуҳари шарифроқ йўқдир ондин.

“Эътиқод” атамаси фалсафий категория. У кенг ва илмий, тор ва диний маъноларни ифодалайди. Афсуски, бу тушунча баъзан билим-сизлик оқибатида нотўғри ишлатилади. Чуқур мулоҳаза юритилмайди. Бировни “иймонсиз” деб баҳолашга яратганнинг ўзигина ҳукмдор ҳолос. Дин ниҳоятда нозик ҳодиса. У инсон қалби, инсон руҳи, инсон ҳиссиёти билан боғлиқ. Шунинг учун иймон тушунчасини ҳам, бошқа диний тушунчаларни ҳам нотўғри қўллаш диндорларни ғазаблантириши, норозилик туғдириши, сўзни ишлатувчини обрўсизлантириши мумкин.

“Иймон” ва “эътиқод” мазмунан бир-биридан фарқ қилади. “Эътиқод” атамаси фалсафий нуқтаи – назардан таҳлил қилинадиган тушунча. У инсон қалби ва онгига мустаҳкам ўрнашган муайян билимларга, ғояларга ва меъёрларга сўзсиз ишонч асосида шаклланган тушунчалар, тасаввурлар, қарашлар ва шахснинг уларга ихлос, содиқлик, муҳаббат билан амал қилишини ифодалайди.

Эътиқоднинг мазмуни ғоятда кенг. Унинг негизини илм ташкил қилади. Бироқ ҳар қандай илм ҳам эътиқод бўла олмайди. Ҳақиқийлиги амалиётда тасдиқланган илмларгина эътиқод асоси бўла олади, сохта, ёлғон илмлар бундан мосуво, истисно. Илмнинг ҳақиқийлигига ишонч фан кашфиётлари, диннинг асосий, муқаддас манбалари, машҳур дин алломаларининг ғоялари асосида шаклланади. “Илм моҳият эътибори билан иймон ҳамдир, — дейди Имом Ғаззолий, — зеро иймон қалбнинг эътиқоди, бу илмдир”

Имом Ғаззолий олимларни уч гуруҳга бўлади: биринчиси, шуҳратпараст, обрўталаб, амалпараст олимлар; иккинчиси, таъмагир, молпараст олимлар; учинчиси, одамларни беъминнат, бетаъма илмли қилувчи олимлар. Аллома охиратда биринчи ва иккинчи гуруҳ олимлари дўзахга, учинчи гуруҳ олимлари эса жаннатга ҳукм илинишини огоҳлантиради¹.


Бинобарин, жамият эътиқоди пок ва мустаҳкам кишилар билангина равақ топади, барқарор бўлади, турмуш гўзал бўлади. Эътиқодли одам бу дунёда бахтли яшайди, охирати обод бўлади. Бахтимизга юртимиз кишиларининг, ёшларининг эътиқоди соғлом ва шунинг учун ҳам Ўзбекистон кучли давлат даражасига кўтарилиб бормоқда.

1. Қаранг: Абу Ҳомид Ғаззолий. Ихёу улумид дин. Тошкент – 2004, 199- бет.

11-чизма. МАЪНАВИЯТ ВА ЭЪТИҚОД

Менинг уйимга бойлик кириб, имон чиқадиган бўлса, ўт қўяман бундай бойликка.

Иззат СУЛТОНОВ



ТАСАВВУФ – ҚАЛБНИ ПОКЛАШ ИЛМИ

Дин ҳеч қачон ўлмайди.
Чингиз АЙТМАТОВ

Диншунос олимлар барча жаҳон динлари ўз инсонпарвар ғоялари билан инсонларни маънавий поклашдаги буюк ролини талқин қиладилар. Ислом дини ҳам инсон қалбини поклашга, ҳалол яшашга, харомдан тийилишга, бағрикенгликка, илм-маърифат, ҳунар эгаллашга, эзгуликка чорловчи ақидалари билан жамият ва инсон ривожига самарали таъсир ўтказиб келади.

Айниқса исломдаги тасаввуф илми маънавият хазинаси сифатида жамиятнинг маънавий тараққиётида ўзига хос рол ўйнайди.

Қуръонда “магар Аллоҳ ҳузурига тоза дил билан келган кишиларгагина (фойда берур)” деган калима бор (Қуръони Карим. Шуаро сураси 89-ғоят). “Шуаро сураси”да Од қабиласи аъзоларининг бутун умрларини ўйин-кулги-ю, маишат билан ўтказишлари қораланади. Аллоҳ элчиси Ҳуд алайҳиссалом уларни бу дунё ва охират учун фойдали юмушлар билан шуғулланишга даъват қилади.

Ислом уламолари юқоридаги Аллоҳ буйруғи асосида инсон қуалбининг ҳолатларини ўрганадиган ва уни соғломлаштирувчи усулларни кашф қилдилар. Бу – тасаввуф илми деб аталади. Тасаввуф ақидалар мажмуи ёки мазҳаб эмас. У махсус илм бўлиб, у турли ислом мазҳабларига мансуб мусулмонлар риоя қиладиган тушунчалар ва амаллар мажмуидир. Тасаввуф ислом илоҳиёти, усул ул-фикҳ илми каби қуръон ва ҳадисга асосланади.

Ислом тасаввуфини баъзи олимлар ҳақли равишда Ислом психологияси, деб номлайдилар. Дарҳақиқат, исломга кўра одам жисм, ақл, руҳ ва нафс бирлигидан иборат. Руҳ ва нафс пок бўлса, жисм-тана ва ақл ҳам пок, агар у бузилса улар ҳам бузилади. Тасаввуфда руҳ ва нафсни поклашга асосий эътибор берилади.

Тасаввуф билимларини шеърият орқали ифодалаш ва тарғиб қилиш анъанага айланган. Буюк ҳикматлар соҳиби Аҳмад Яссавий шундай хитоб қилади:

Суннат эрмиш кофир бўлса берма озор,


Кўнгли қаттиғ дилозордан Худо безор

Тасаввуф олимларининг ҳаёти, фаолияти, ҳикматлари, мактаблари бўйича Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг “Тасаввуф ҳақида тасаввур”, Ҳамиджон Ҳомидийнинг “Тасаввуф алломалари” номли китобларидан чуқур билим эгаллаш тавсия қилинади.

12-чизма. ИСЛОМ ТАСАВВУФИДА НАФС ТАРБИЯСИ

Ўз нафсини тиёлган марддир,
Ғийбатдан узоқ-узоқ кетолган марддир.
Номард тегиб ўтар йиқилганларни,
Ожизлар қўлини тутолган марддир.

Абу Абдулло Рудакий.



ДИН ВА МАЪНАВИЯТ

Диннинг маънавий қадрият эканлигини ислом мисолида талқин қилиш ўринли. Бу икки сабаб билан изоҳланади: биринчи сабаб, ислом миллий маънавиятимизнинг жузъий соҳаси, ҳаётимиз, турмуш тарзимиз, урф-одатларимиз, маданиятимиз, тилимиз, бадий адабиётимиз билан асрлардан бери узвий алоқадорликда яшаб келаётганлиги бўлса, иккинчи сабаб, ислом бутун бир маънавий хазина, ниҳоятда ранг-баранг маърифий билимлар тизими эканлиги, у бўйича билимлилик-комиллик омили, билимсизлик эса сохта диндорлик, мутаассиблик, жоҳиллик, жангарилик, ҳатто хоинлик ва қотиллик йўли бўлиб, ёшларни ана шу балодан ҳимоялаш, огоҳ қилиш ниҳоятда долзарб вазифа эканлигидир.

Президентимизнинг ислом дини ва унинг маънавий қадриятларини қайта тиклаш ва уларни янада ривожлантириш борасидаги тенгсиз хизматларини ҳеч муболағасиз буюк маънавий фаолият деб баҳолаш мумкин. Бунинг натижасида халқимиз ислом дини ва унинг маънавий дурдоналаридан баҳраманд бўлди.

Муаммони ўрганишда Юртбошимизнинг ислом маънавиятининг ўзагини таҳлил қилиб берган янги асаридаги ғояларни чуқур ўрганиш зарур. Унда муқаддас динимиз хусусида қуйидаги қимматли фикрлар илгари сурилган:

- ислом инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида инсоният-нинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-умидларини ўзида мужассамлаштирган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир;
- асрлар оша халқимизнинг қон-қонидан жой олган ислом дини яшашдан мақсад - маъносини англаш, миллий маданиятимиз, фанимиз, санъат ва адабиётимиз, турмуш тарзимиз равнақиға самарали таъсир ўтказувчи, миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз ва маънавий қадриятларимизни безавол сақлашнинг қудратли омили бўлиб келмоқда. Шунинг учун ҳозирги даврда дини исломга қизиқиш кучаймоқда. “Бунинг асосий сабаби, — деб таъкидланади китобда, — муқаддас дини-мизнинг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзодни доимо эзгуликка чорлаши...”¹

— Аллоҳга ишонишга, илм-маърифатга, адолатга, ҳалолликка, бева-бечораларга ғамхўр бўлишга, инсонга озор бермасликка, тежамкорликка, аёлларни, ота-оналарни эъзозлашга, табиатни асрашга даъватлар ислом маънавиятининг баъзилари холос. Худди ана шундай даъватлар исломни барҳаёт қудратли куч ва маънавий хазинага айлантирди.

Ислом маънавиятида ахлоқий қадриятлар алоҳида ўрин тутади. Уларда умуминсоний, миллий ва тақводорликка оид ғоялар мавжуд. Масалан, одам ўлдириш, зино, қимор, ўғирлик, маст қилувчи ичимлик ичиш каби ислом тақиқлари умуминсоний қадриятлардир. Ота-она, оила, ватан, миллат анъаналарига садоқат, каттага ҳурмат, кичикка иззат, саҳоватлилик, тўғрилиқ, ҳалоллик

¹ Ислом Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч, Тошкент, “Маънавият” 36-бет

каби ислом ахлоқий қоидалари миллий; калима келтириш, намоз ўқиш, рўза тутиш, закот, ҳаж соф исломий ахлоқий қадриятлардир.

Бошқа динлар каби ислом ана шундай маънавий қадриятлари билан жаҳон тарихи ва инсоният ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Бугунги кунда барча таълим мактабларида ўқитилаётган “Дунё динлари тарихи,” “Диншунослик” фанларининг ўқитилаётганлиги ислом маънавий қадриятларини ўрганилишини таъминламоқда. Бу эса, шубҳасиз ёшларнинг маънавий соғлом қилиб тарбиялашни таъминлайди.

13-чизма. ИСЛОМ ВА МАЪНАВИЯТ

Биз, шиори эзгулик бўлган бутун дунёдаги аҳли ислом қатори, динимизни доимо пок ва соф сақлашга интилиб келганмиз ва бу йўлдан асло қайтмаймиз.
Ислом КАРИМОВ



МУСТАҚИЛЛИК ВА МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШ

1990 йил 24 март куни республика Олий Кенгашининг биринчи сессиясида президентлик лавозими жорий қилинди. Бу Ўзбекистон мустақиллиги учун ташланган улкан қадам ва фавқулодда сиёсий жасорат эди.

Президентлик лавозими жорий қилиниши биланоқ республикада вужудга келган ғоят оғир иқтисодий - ижтимоий вазият билан бирга ниҳоятда танг ҳолатга тушиб қолган маънавий ҳаёт танқидий таҳлил қилинди. Президент маърузасида, айниқса, маънавият ва маънавий кадриятлар, уларга янгича ёндошиш масаласига фавқулодда аҳамият берилди ва бу соҳани тубдан янгилаш вазифалари белгиланди.

Ана шу вазифалар бўйича Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарининг 76-101-саҳифаларида билдирилган фикрлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Чунки китобда мустақилликдан бир йил-у тўрт ой илгари Президентимиз томонидан ўта қалтис ва мураккаб бир даврда диёримизда энг буюк неъмат – тинчликни сақлаб қолиш, уни марказнинг зарарли таъсирларидан ҳимоя қилиш, ўз мустақил сиёсатимизни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш хусусида қимматли маълумотлар берилади. Улар орасида ёшларнинг маънавий тарбиясига алоҳида эътибор қаратилади. Юртбошимиз “Ёшлар халқ маънавиятининг муносиб эгаларидир. Шунинг учун ҳам ҳар бир ўғил-қизимиз дастлабки қадамларидан бошлаб маданий бойлик-лардан баҳраманд бўлиши керак”,¹ - деган эди.


Бу дегани маънавиятни янгилаш, унинг бойликларидан халқни, айниқса ёшларни баҳраманд қилиш давлатнинг устувор сиёсатига айлангани эди. Бу одилона сиёсат мустақиллик йилларида буюк самаралар берди. Ўзбекистон тарихининг яратилиши, диний ва дунёвий фанларнинг буюк тимсоллари номлари ва меросининг тикланиб, халққа тақдим қилиниши, таҳқирланган миллий байрам ва анъаналар, виждон ва дин эркинлигининг таъминланиши, ёшларнинг бой ва қимматли маънавий кадриятлардан баҳраманд бўлиши учун илгари орзу бўлган барча тимкониятларнинг яратилгани фикримизнинг далилидир.

Бироқ булар масаланинг бир томони. Унинг иккинчи томони бор, яъни бу миллий маънавий бойликларни янги Ўзбекистоннинг бунёдкорларининг қалби ва онгига сингдириш, улардан оқуилона фойдаланишга, аждодларга муносиб ворис бўлишга эришиш ҳисобланади. Миллий маънавий кадриятлар билан бирга умуминсоний маънавият дурдоналаридан баҳраманд бўлиш, динийлик ва дунёвийликни уйғунлигига эришиш зарурлиги ҳам муҳим масала эканлигига эътибор қилиш лозим.

1. Ўша жойда, 80-бет

14-чизма. МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА БАРПО ЭТИЛАЁТГАН ЖАМИЯТ

Янги Ўзбекистоннинг бош страте-гик мақсади – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиши. Бунга демократик жамият барпо этиши орқа-ли борамиз. Миллий истиқлол го-яси хал-қимизни шу йўлда бирлаштиради ва сафарбар этади.



МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗ ДУРДОНАЛАРИ

Мустақиллик халқимизнинг бой маънавий меросини тиклаш ва уни янада ривожлантириш истиқболини яратиб берди. Ўзбек халқининг миллий маънавий меросининг тикланиши ва янада ривожлантирилиши-нинг ташаббускори ва ташкилотчиси Президентимиз Ислом Каримов бўлди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Юртбошимиз маънавиятимиз тарихини тиклаш жараёнида ҳар бир буюк даҳолар шарафига бунёд қилинадиган обидалар қандай қилиниши ҳақида меъморлару, ҳайкал-тарошларга ниҳоятда қимматли йўл-йўриқлар берадиган, ишга ўта масъулият билан қарашни талаб қиладиган ноёб раҳбар. Ана шундай ғамхўрлик натижасида тарихан қисқа давр – ўтган 18 йил ичида ўнлаб дин ва фан, маданият ва давлат арбобларининг, буюк даҳоларининг номлари, олтин мерослари тикланиб, халққа тақдим қилинди, уларнинг қадам жойларида обидалар қурилди ва зиёратгоҳларга айлантирилди. Шўролар даврида ҳўрланган ҳибсхона-ю, вайроналарга айланган маданий, диний-меъморий обидалар қайта тикланди.

Эндиликда мумтоз маънавий меросимиз ўзлигимизни англашимиз, жаҳон халқлари орасида ўзбек халқи ҳеч кимдан кам эмаслигини, ҳеч кимга қарам бўлмаслигини идрок қилишимизга хизмат қилмоқда. Чизмада зикр қилинган маънавиятимиз бойликларини таҳлил қилишда Ислом Каримов асарлари ва “Мозийдан таралган зиё” (Тошкент-1998 йил), А. Иброҳимовнинг “Биз, ким ўзбеклар” (Тошкент-2001), А. Абдурахмоновнинг “Саодатга элтувчи билим” (Тошкент-2005, 3-нашри) номли манбалардаги материаллардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” номли асарида китобхонни тўлинлантирувчи қуйидаги қимматли фикрни ўқиймиз: **“Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса Ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улўғ алломаларнинг хизматлари бекиёс экани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди”**².


Президентимизнинг мазкур илмий фикрини ёрқин мисоллар билан тушунтириш орқали талабаларда кучли миллий ғурур ва ифтихор бахш этилади.

Профессор Фозила Сулаймонова ўз тадқиқотида зардуштийлик дини (эрамиздан аввалги VI-V асрларда вужудга келган) астрология. Табобат, риёзиёт, фалсафа, ахлоқшунослик, доришуносликка оид таълимотларни илгари сурганлиги, бу таълимотлар қадимги юнон фани ва фалсафасига самарали таъсир қилганлигини тарихий манбаларга таяниб далиллайди (қаранг: Ф. Сулаймонова. Шарқ ва Ғарб. Тошкент-1997, 24-25 бетлар). Олима асли Хоразмда туғилиб вояга етган Зардушт Марказий Осиёда кенг тарқалган ибтидоий эътиқодлар ўрнига нисбатан прогрессив монотеистик динга асос солганлигини, инсонларни қабилалар аро қон тўкишга, қурбонликлар қилишга чек қўйишга, осойишта, Эмин-эркин ҳалол меҳнат, эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал билан яшашга даъват қилганлигини таъкидлайди. Янги диннинг муқаддас “Авесто” (“қонун-қоидалар, ҳаёт низоми” маъносини билдиради) инсонларга юксак маънавий қадриятлар тақдим этиш ва уларга қатъий риоя қилишни тақдим қилади. Унда 39 хил ахлоқий фазилатлар ва 33 та ғайриахлоқий иллатлар зикр қилинади. Сув, ҳаво, замин, қуёш ҳаётнинг ибтидоси сифатида мадҳ қилинади. Уларни пок сақлаш талаб қилинган. Сувга ахлат ташлаганларга жисмоний жазо белгиланган. Ахлат-микроб тарқатиши мумкин, шунинг учун уни тупроқ, қум билан ёпиш буюрилган. Қабристонларга мевали дарахт экиш таъқиқланган. Бундай қонун-қоида ва талаблар эрадан аввал яшаган аجدодларимиз маънавияти, ижтимоий тафаккури нақадар юксак бўлганлигини тасдиқлайди.

Айни ана шу юксак маънавият ва тафаккур кейинги даврда ислом асослари, ислом фани раўнақига буюк ҳисса қўшган буюк илоҳиётчилар, фан даҳоларининг етишиб чиқишига замин бўлди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, халқимизнинг буюк даҳолари яратган мерос ҳануз инсониятга хизмат қиляпти. Чунончи, Имом Бухорийнинг “Саҳиҳ”и дунё мусулмонларига

² 1. Ўша жойда, 30-бет.

Қуръони Каримдан кейинги иккинчи муқаддас манба Берунийнинг биргина “Ҳиндистон” асари ҳинд халқи тарихининг тенгсиз манбаи ҳисобланса, Хоразмийнинг “Ал-жабр ал муқобила”си алгебра қўлланмаси, Аҳмад Фарғонийнинг “Миқёсин-ул Нил”и 1973 йилгача Нил дарёсининг йиллик сув миқдорини ўлчашга, ўша йилдан бери тарихий музей бўлиб хизмат қилмоқда. Бу каби маълумотлар ҳар бир кишида маънавий меросимиз дурдоналарига бўлган қизиқишни кучайтиради, талабаларни аجدодларга муносиб бўлишга даъват қилади.



АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА МАЪНАВИЯТ

Маълумки, янги Ўзбекистонда Марказий Осиё халқлари тарихида буюк давлат ташкил қилган. Соҳибқирон Амир Темурнинг тарихдаги ўрни ва роли тикланди. У миллатимиз тимсоли эканлиги кашф қилинди. Президентимиз таърифлаганидек, “тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди.

Амир Темурнинг саркардалик ва раҳбарлик маҳорати ўз даврида ҳам ўзидан кейинги давр учун ҳам дунё аҳамиятига эга бўлган рол ўйнади. Унинг Тўхтамиш устидан қозонган порлок ғалабаси (1385 й.) Марказлашган Рус давлатининг мўғуллар асоратидан узил-кесил халос бўлишига самарали таъсир қилди. Турк султони Боязидни енгиши (1402 й.) Европа давлатлари учун барқарорликни таъминлади ва ўз давлати довуғини Европага ёйди.

Соҳибқирон мамлакатни “Куч-адолатда” деган буюк ғоя асосида бошқарди. Бу сиёсатни жамиятдаги мавқеидан қатъий назар барча фуқароларга бирдек тадбиқ қилди. 1402 йилда Самарқанднинг бош қозиси фуқаролар билдирган шикоят асосида адолатсизликда айбланиб дорга осиб ўлдиришга буйруқ берилди. Харидорлар ҳаққига хиёрати учун бир қасоб чопиб ўлдиришга ҳукм қилинади. Соҳибқирон жинояти учун хатто ўз ўғли Мироншоҳни ҳам олий жазога ҳукм қилади, амирлари илтимоси билангина бу ҳукмни юмшатади.

Амир Темур ўз фаолияти давомида Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз ва бошқа шаҳарларда эндиликда жаҳон халқини ҳаяжонга солаётган буюк меъморий обидалар барпо қилди. Уларда халқимизнинг қўли гул, юксак маҳоратли усталари билан битилган безакларда миллий моддий ва маънавий дурдоналар, мураккаб геометрик ва тригонометрик билимлари яққол ифодаланган. Ҳозирги кунда мазкур билимларнинг мураккаб тизимлари устида ўнлаб Ғарб олимлари тадқиқотлар олиб бормоқда.

Жаҳоннинг кўпгина ҳарбий академияларида Амир Темурнинг ҳарбий стратегик санъатига бағишланган “Ҳарбий стратегия тарихи” фани ўқитилмоқда. 1996 йил 24-25 октябрь кунлари Тошкентда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда иштирок қилган истеъфодаги генерал ва тарихчи Ричард Нельсон жаноблари ялпи мажлисда “Амир Темур – ҳарбий стратег, геосиёсатчи” мавзусида маъруза қилди. Маъруза олдидан генерал Амир Темур портретига ҳарбийчасига таъзим бажо қилди. Сўнгра тингловчиларга қараб: “Мен солдатман, Темурга таъзим қилишни ўз бурчим деб биламан”, - дейди.

Мазкур конференция иштирокчиси Клаус Пендер мана бу ажойиб фикрни билдирган: “Ҳозир Амир Темур тирик бўлганда барча муаммолар ҳал қилинган бўларди”.

Амир Темур вафотидан сўнг Шохруҳмирзо ва Улуғбек даврларида Ҳирот ва Самарқандда моддий ва маънавий маданият тараққиёти давом этди. Айниқса, Самарқандда ташкил топган “Улуғбек академияси” жаҳон фанига ҳайратомуз кашфиётлар тақдим қилди.

Буюк Темурийзода Мирзо Бобур ва унинг авлодлари ҳукмронлик қилган 332 йил давомида Ҳиндистонда ўзига хос ҳинд-ўзбек синкретик маданият ва маънавият гуллаб яшнади. Бу мерос

жаҳон миқёсида энг қадрли моддий ва маънавий бойлик сифатида ҳамон инсониятга хизмат қилмоқда ва қадрланмоқда.

Чизмада Амир Темур ва унинг авлодлари даври маънавиятини ифодаловчи манбалар ҳақида маълумот берилади.

**...азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард
ва шижоатли бир киши мингта
тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқ-
дир.**

Амир ТЕМУР



ТУРКИСТОНДА ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ ВА УНИНГ МАЪНАВИЯТ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ

Тарихдан маълумки, ўзбек хонликлари даврида фан, маданият, маърифат ва маънавий ҳаётнинг бошқа соҳаларида турғунлик ҳукм сурди. Жаҳолат ва хурофот ҳукмронлик қилди. Динийлик ва дунёвийлик уйғунлиги ўрнига динийликка устунлик қилди. Ижтимоий ҳаёт ва тараққиёт эҳтиёжи туфайли XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида ўлкамизда жадидчилик ҳаракати авж олди.

Жадидчилик (арабча “жадид”-янги)-янгилаштириш, янги мактаб, матбаа, дарслик, газета чиқариш йўли билан халқ маънавиятини юксалтириш тарафдорлари ҳаракати демакдир.

Жадидчилик мафкураси ва ҳаракатига қримли машҳур ислохотчи Исмоилбей Гаспирали ўзининг “Таржумон” газетаси орқали асос солди ва тез орада туркий халқлар орасида шухрат қозонди. И. Гаспирали 1896-1904 йилларда Бухоро ва Самарқандга ташриф буюради. Унинг таъсирида Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Наманган, Қўқон ва Андижон шаҳарларида жадид мактаблари очилди ва фаолият олиб борди.

Туркистоннинг машҳур жадид раҳнамолари Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий жадид мактаблари учун ўқув дарсликлари ва қўлланмалар яратдилар. Айни вақтда улар ва бошқа раҳнамолар илмий-маърифий ташкилотлар, нашриётлар ташкил этди. “Турон”, “Иштирокиюн”, “Самарқанд”, “Ойна” газеталарини нашр қилдилар.

Бехбудий, Фитрат, Ҳамза, Чўлпон, Абдурашидхонов ва бошқалар ўз пьесалари, публицистик ва оммабоп илмий-сиёсий мақолалари, шеърий асарларида халқ маънавиятининг юксалишига, ўзлигини англашига қаратилган ғояларни илгари сурдилар.


Туркистон жадидчилиги ҳаракатининг асосчиси ва йўлбошчиси Маҳмудхўжа Бехбудий эди. У Самарқандда чиқара бошлаган “Самарқанд” ва “Ойна” газеталари орқали (1913 йил) Исмоилбейнинг илғор ғояларини тарқатди. Бехбудий ўзининг “Падаркуш” пьесаси орқали ўз миллатини жаҳолатдан чиқариш ва замон талаблари асосида дунё даражасида фикрлайдиган миллат даражасига кўтариш фикрларини олға сурди.

Туркистон жадидлари ғоялари миллий-озодлик учун кураш мафкураси бўлиб хизмат қилди. Жадидчилик ҳаракати миллат ҳаётига, унинг истиқболига қаратилган, ижтимоий ҳаётда янги саҳифа очган буюк ҳаракат эди. Шунинг учун ҳам совет тузуми унга қарши шафқатсиз курашди. Унинг раҳнамолари ва тарафдорларини йўқ қилди, асарларини таъқиқлади. Фақат мустақилликкина жадидлар ва уларнинг мероси қадр-қимматини халққа қайта тиклаб берди.

17-чизма. ТУРКИСТОНДА ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ ВА УНИНГ МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТДАГИ ЎРНИ

Бу дунё кураш майдонидир. Бу майдон-нинг қуроли
соғлом жисму тан, ақл ва ах-локдир.

Абдурауф ФИТРАТ



КОМИЛ ИНСОН ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

Инсоният тарихи маънавият ва унинг диалектик ривожланиш тарихи ҳамдир. Бу тарих маънавият – инсон ва миллатнинг, жамият ва давлатнинг ноёб бойлиги, енгилмас кучи эканини, маънавиятсиз инсонийлик, тинчлик, фаровонлик бўлмаслигини тасдиқлайди.

Узоққа бормаёлик, яқин тарихдан бир-икки мисол келтирайлик. Иккинчи жаҳон урушида енгилган, мислсиз талофот кўрган Германия ва Япония атиги икки ўн йилликдаёқ қаддини ростлаб, дунёнинг энг ривожланган давлатлари сафидан жой олди. Улар бунга халқларнинг миллий ғурур, ватани тарихи миллий маънавиятига содиқлиги ҳисобидан ҳам эришди.

Урушда ғолибларга тиз чўккан Япония императори биринчи бор радио орқали: “Уруш тугади, ҳамма ишга!” деб даъват қилган экан. Биргина ана шу чақириқ японларни бир тан, бир жон бўлиб кучли давлатни барпо қилишга сафарбар этган. Ислом Каримов ҳозир кенг тарқалган “Япон мўъжизаси” ёки “корейс мўъжизаси” ибораларининг заминида бу икки халқнинг характери ва табиатини, яъни уларнинг маънавий фазилатлари ифодаланишини зикр қилади. Германия, Малайзия, Сингапур ва бошқа ривожланган давлатлар ва халқлар мисолида ҳам халқларнинг руҳий дунёси ва иродаси маънавият негизида камолга етганлигини кўриш мумкин.

Бинобарин, ҳар қандай давлат ва миллатнинг равнақида миллатнинг ўзига хос миллий маънавияти енгилмас куч бўлиб хизмат қилади. Маънавияти етук халқ инсоний фазилатлар соҳиби бўлади. Шарқона, исломий тафаккур тилида ана шундай халқ фарзанди “ал-инсон ал-камол”-комил инсон деб номланади.

Бугун биз янги Ўзбекистонни дунё тан олганлиги билан фахрланамиз. Халқаро тадбирларда юртимиз овозини эшитиб, муқаддас байроғимиз ҳилпирашини кўриб, мадҳиямиз янграшини тинглаб ҳаяжонланамиз. Буларнинг барида давлатимиз раҳбарининг маънавий янгиланиш сиёсатини қадам-бақадам изчил амалга ошираётгани ва унинг самараси орқали эришдик.

Маънавий янгиланишнинг бош мақсади маънавий етук, яъни комил инсонни тарбиялаш. Хўш, комил инсон қандай инсон? деган савол туғилади. “Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак”, - деб таърифлайди Ислом Каримов¹. Ҳар бир

инсон ўзига хос маънавий олами билан яшайди. Ҳар бир инсон ақл-заковати билан инсоний, фазилатлар нима, улар инсонга нима беради, маънавиятсизлик – билимсизлик, ахлоқсизлик, ёлғончилик, шафқатсиз-лик, тошбағирлик, лоқайдлик, ўғирлик, қиморбозлик, зинокорлик каби иллатлар-чи, деган саволлар хусусида бош қотиради, таҳлил қилади, баҳолайди, хулоса чиқаради.

¹ Ўша жойда. 29-бет.

Чизмада комил инсон ҳақидаги ўтмиш донишмандларининг қарашлари, комилликка хос фазилатлар ва комилликнинг буюк тимсоллари тилга олинган. Уларни Ислон Каримов китоби асосида чуқур таҳлил қилиш тавсия қилинади.

18-чизма. **КОМИЛ ИНСОН ТУШУНЧАСИ
ВА УНИНГ МОҲИЯТИ**

...бизнинг асосий бойлигимиз, ривож-ланган давлат тузишга олиб борадиган йўлдаги таянчимиз инсондир. Юксак малакали ва юксак маънавиятли инсон-дир. Бу нарса, айниқса, ёш авлодга те-гишли.

Ислом КАРИМОВ



ВАТАН ВА ВАТАНПАРВАРЛИК ТУШУНЧАЛАРИНИНГ МАЪНО-МОҲИЯТИ

**Томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш
урган одамгина буюк иш-ларга қодир бўлади.
Ислом КАРИМОВ**

Қандай инсоннинг томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш уриши мумкин? Бу саволга аниқ жавобни тарихимиздан, қолаверса, мустақил республикаимизнинг тарихий зарварақларидан олишингиз мумкин холос. Чингизхон босқинига қарши ўн бир йил сафдошлари билан мислсиз мардлик намунасини кўрсатган, ўз аجدодлари учун жасорат тимсолига айланган Жалолиддин Мангуберди, буюк миллий давлат ташкил қилган, она юрти фани ва маданиятини гуллаб-яшнатган, додруғини оламга таратган Амир Темур, қалам билан оламини забт этган Навоий ва Бобур ҳазратлари, буюк илмий кашфиётлари билан фан тарихида маънавий жасорат юлдузларига айланган Аҳмад Фарғоний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбеклар қалбида миллий ғурур ва Ватан ишқи жўш ургани учун буюк ва улуғвор ишлар қила олдилар.

Ўзбекистон Қаҳрамонлари Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповлар бундан 35-40 йил илгари битган “Ўзбегим” ва “Ўзбекистон Ватаним маним” қасидалари билан бамисоли қарахтлик ҳолатидаги она халқи қалбида ўзлигини англатадиган чироқ ёқди.

Хўш, инсон онгида миллий ғурур, қалбида ишқ уйғотадиган “Ватан” нима? “Ватан” арабча сўз бўлиб “Она юрт” деган маънони билдиради. Фанда бу тушунча муайян халқ вакилларининг туғилиб ўсган ва камолотга етган макон, заминни, географик муҳитни ва тарихий ривожланиш жараёнида вужудга келиб шаклланган ва ўзгариб келган ижтимоий-руҳий туйғуни ифодалайди.

Ўтмишда юрт фақат бир халқ ёки миллат учунгина Ватан бўлган. Аста-секин миллатлараро сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларнинг кучайиши натижасида бир ўлкада яшовчи халқ ва миллатлар учун шу ўлка Ватан ҳисобланган. Бугунги Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Улар ўзбек халқи таркибини ташкил қилади. Ўзбекистон – унда истиқомат қилаётган барча миллатлар ва элатлар вакиллари учун севимли Ватандир.

Совет даврида СССР барча миллатлар ватани, деган ғояни сингдиришмоқчи бўлишди. Аммо ўша машъум шароитда ҳам “чиройлидир гўё ёш келин, икки дарё ювар қоқилин”, дея хайқириқ билан Ўзбекистонни қуйлаган ватансевар шоирларимиз бўлган. Бу – Ҳамид Олимжон эди. Темурийлардан кейинги беш аср давомида ягона ўзбек давлати бўлмади. Ўзбек хонликлари, сўнгра чоризм ва социализм даврида халқимиз учун Ватан тушунчаси ва Ватан туйғуси заифлашди. Мустақилликкина ана шу икки салбий сабабга чек қўйди.

“Ватан” тушунчаси “Ватанпарварлик” тушунчаси билан узвий боғланган. Ватанпарварлик – инсоннинг киндик қони тўкилган, таълим-тарбия олган оиласи, маҳалла, туман ёки шаҳрига, она юртига бўлган меҳр-муҳаббати ва туйғусини ўзида мужассам этган юксак фазилатидир.

Ватанпарварлик тарбияси оилада, таълим мактабларида амалга оширилади. У энг юксак миллий ва фуқаровий фазилатдир. Шох ва олим, шоир ва саркарда Бобур Мирзо Ҳиндистонда буюк салтанат соҳиби бўлса ҳам умрининг охиригача она ватанини, жон Андижонини соғиниб яшаган. Фарзандларига жасадини Қобулда ўзи яратган “Боғи Бобур”га дафн қилишларини, токи ватани шамолларидан баҳраманд бўлиш истагини васият қилган.

Дарс машғулотида Илом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарида Ватанимизнинг қисқа вақт ичида эришган ютуқлари, одамлар онги-шуурида Ватан туйғуси мустаҳкамланаётганлиги ҳақидаги ғояларнинг талқин қилиб берилиши мақсадга мувофиқ.

19-чизма. БАТАН ТУШУНЧАСИНИНГ МАЪНО-МОҲИЯТИ

Ватан — инсоннинг киндик қони тўкилган муқаддас тупроқ, уни камолот сари сари етакуловчи, ҳаётига маъно-мазмун бахш этувчи табарруқ маскан-дир

Ислом КАРИМОВ



Менинг битта ҳаётим бор, борди-ю,
мингта ҳаётга эга бўлган тақдиримда ҳам
ҳаммасини ватан учун сарфлаган бўлур эдим.
ФУЗУЛИЙ



ИНСОНПАРВАРЛИК ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

Маънавий етук инсонни тарбиялашда инсонпарварлик тарбияси алоҳида аҳамиятга эга. Бу тушунча арабча-инсон, форсча, тожикча-“лик” бирлигидан тузилган бўлиб, ўзбек тилида инсонга ғамхўрлик, гуманизмни ифодалайди. Илм-фанда инсонпарварлик – инсон кадри-қиммати, ҳуқуқ ва эркинлиги, ҳаёти ва яшаш ҳуқуқи, истеъдод ва қобилиятларини ҳар томонлама намоён бўлиши учун курашиш, адолатли ва бахтли ҳаётини таъминлашга интилиш, инсонийлик тамойилларини рўёбга чиқиши учун барча шарт-шароитларни яратишни ифодалайди.

Инсонпарварликнинг илдизлари узок ўтмишга бориб такалади. У дастлаб халқ оғзаки ижоди асарларида, кейинча фалсафа, ёзма адабиёт, санъат асарлари ва динларда намоён бўлган. Уларда эзгулик ва ёвузлик кураши, эзгуликнинг тантанаси орқали адолат, эркинлик, саҳийлик, меҳр-оқибатлилик, ҳалоллик каби ғоялар илгари сурилган. Ўзбек халқ мақолларида, “Алпомиш” достонида, “Тоҳир ва Зухра”, “Уч оғайни ботирлар” каби эртакларда бу ёркин ифодаланган.

Минтақамизда етишиб чиққан буюк олимлар – Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Мирзо Бобур ўз асарларида инсон эркинлиги, кадр-қимматини таъминлаш ва кадрлаш ҳақида ҳайратомуз таълимотлар яратдилар.

Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида турли миллат ва динларга мансуб Фарҳод, Ширин, Шопур образлари орқали халқлар дўстлиги ғояси илгари сурилади. Мирзо Бобур Ҳиндистондек кўп динли юртда барча динларга толерантлик модели асосида ёндашди. Унинг невараси Акбар шоҳ эса барча динларнинг ўхшашлиги асосида янги “Дини илоҳий”ни яратди.

Шарқ фалсафасининг марказида инсонпарварлик муаммоси таҳлил ва талқин қилинади. Унда инсон ўзига ёв эмас, ёр бўлиши ва уни кучайтириш ғояси мужассам. Дунё кураш майдони, инсон соғ тана, соғлом ақл ва соғлом қалб билан бахтли яшашга интилиши керак. Бу Шарқона фалсафанинг мағзидир.


Дарсада Ислом Каримов асарлари, “Шарқ ҳикматлари”, “Қобуснома”, “Оила”, “Эй фарзанд” каби асарлардан фойдаланиш тавсия қилинади.

**Боре элга яхшилик қилгилки мундин яхши йўк,
Ким дегайлар даҳраро қолди палондин яхшилик.**

Заҳириддин Муҳаммад БОБУР



22-чизма. **ИНСОНПАРВАРЛИК, ВАТАНПАРВАРЛИК ВА ТИНЧЛИКПАРВАРЛИК – ШАХС МАЪНАВИЯТИНИНГ АСОСИ**



МАҲАЛЛА — МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ МАСКАНИ

Мавзун ифодалашда куйидагиларга эътибор бериш тавсия қилинади:

- 1. Муаммонинг калит атамаларининг маъно-мазмунини очиб бериш;**
- 2. Маҳалланинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатига конституциявий мақоми билан таништириш;**
- 3. Маҳалла тарихи, функцияси ва вазифаларига оид адабиётларни тавсия қилиш.**
- 4. Янги Ўзбекистонда маҳалланинг маънавий-маърифий ишлар ўчоғи сифатидаги ролининг кучайтирилиши.**

Республикамиз Президентининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” номли асарида халқимиз маънавий ҳаётини юксалтиришда маҳалланинг роли ва таъсири масаласини аниқ-равшан ифодалаб берди. Китобда “азалдан ўзбек маҳаллалари чинакам миллий қадриятлар маскани бўлиб келди”,-деб таърифланади¹. Дарҳақиқат, бу таърифга оид маълумотлар халқимизнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган “Тоҳир ва Зухра” эртагида зикр қилинишининг ўзи маҳалла ноёб тарбия, бошқарув, ташкиллаштирув ўчоғилигини исботлайди. Эртақда хон таъқибига ноҳақ дучор бўлган Тоҳирни “Сандикчилар” маҳалласи ўз ҳимоясига олади.

Демак, маҳалла қадимдан инсонларни меҳри-оқибатли, ор-номусли, илмпарвар, виждонли, меҳнатсевар қилиб тарбиялашда, айниқса, оила ва оилавий муносабатларни соғломлаштириш, миллий урф-одатларни сақлаш ва авлоддан-авлодга етказиш, фарзандларни миллат ва Ватанга содиқ қилиб тарбиялашда бениҳоя катта рол ўйнайди.

Афсуски, зўравонлик ва мажбурлашга асосланган совет тузумида маҳалланинг жамиятдаги ўрни таҳқирланди. Улар тан олинмади, шу билан бирга миллий норозиликка сабаб бўлиши ҳисобга олиниб таъқиқланмади. Шунга қарамай маҳаллалар (гарчи мажбуран социализмга хос номлар чоплансада) амалда тарихий номлари билан яшаб қола олди.

Мустақиллик эълон қилиниши билан маҳаллаларга нисбатан янгича, адолатли ва демократик муносабатлар жорий қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида ва унинг асосида қабул қилинган юридик ҳужжатларда маҳаллаларнинг ҳукуқий мақомлари, ўзини ўзи бошқариш органи сифатида сайлаш тартиби, фаолияти ва вазифалари белгиланди. Маҳаллаларнинг инсон маънавий ҳаётини юксалтиришдаги роли ва таъсирини оширишда Ўзбекистон Президенти-нинг 2004 йил 25 майдаги ПФ-343-сонли Фармони асосида М.Ф.Й.нинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимининг таъсис қилиниши муҳим воқеа бўлди. Дарсда жойлардаги ана шу лавозим соҳибалари фаолиятига оид материаллардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Маҳалланинг маънавият маскани эканлиги оилавий маросимларда яққол намоён бўлади. Оилада ўтказиладиган турли тўйлар, бошқа иссиқ-совуқ маросимларда болалар, ўсмирлар, ёшлар онги шуурига миллий маънавий қадриятлар-каттага ҳурмат, оила, ота-оналар олдидаги бурч ва

масъулият, одоб-ахлоқ нормалари сингади. Булар ҳақида талабалар фикрларини эшитиш, уларни фаоллаштириш имкониятидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.



МАРОСИМЛАР – МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР КЎЗГУСИ

Ушбу чизмада “Маросим”, “Анъана”, “Урф-одат”, “Миллий урф-одат”, “Халқаро байрам”, “Миллий байрам”, “Диний байрам” каби калит атамалар орқали муаммога оид маълумотлар берилган. Уларнинг маъно-мазмунини аниқлаш тақозо қилинади. Бунинг учун “Ўзбекистон Республикаси энциклопедияси”, “Фалсафа. Энциклопедик луғат”, “Мустақиллик. Илмий-изоҳли луғат”(3-нашри), “Ислом. Энциклопедия” каби манбалардан фойдаланиш маслаҳат берилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бошқа халқлар каби ўзбек халқининг миллий кифёсини унинг миллий анъаналари, маросим ва урф одатлари кўзгудагидек акс эттиради. Улар қадим-қадимдан шаклланиб ва ривожланиб келаётган тарихимизнинг, маданиятимизнинг таркибий қисмини ташкил қилади. Хасан Ато Абдушийнинг “Турк қавмлари тарихи”, Усмон Туроннинг “Туркий халқлар мафкуриси”, Насимхон Рахмоннинг “Турк хоқонлиги”, Амир Темур тарихига оид китобларда, “Қобуснома”, “Бобурнома” каби манбаларда, ҳатто “Авесто”да туркий халқлар қаторида ўзбек халқининг қадимги маросим ва урф-одатлари ҳақида жуда қимматли маълумотлар берилади. Уларнинг баъзилари бизгача етиб келган ва шахс маънавий тарбиясига самарали таъсир қилади.

“Авесто”да 6 ёшга етган болаларни мактабга кузатиш маросими баён қилинади. Маросимда болаларга янги либослар кийдирилган ва олқишлар билан кузатилган. Бундай тантана болалар руҳини кўтарган, янги масъулиятини ҳис қилдирган, оила аъзолари, қўни-қўшниларнинг ғамхўрлиги ва меҳр-оқибатини англатган. Ўқиш ва ёзиш ўзлаштирилгач бу воқеага бағишлаб байрам ўтказилган. Демак, бугунги кунда болаларни 1-синфга тантана билан кузатиш, “Алифбе байрами”-нинг илдиэлари уч минг йиллик тарихга эга дейишимиз мумкин.


Совуқ маросим билан боғлиқ одатларимиз ҳақида ҳам узок ўтмишдан хабарлар етиб келган. Масалан, Абу Райхон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” номли асарида қадимги хоразмликлар бажарган кичик, аммо чуқур инсоний қадриятни ифодаловчи бир мисолни келтириш мумкин. Олимнинг ёзишича, хоразмликлар марҳум хотирасига бағишланган кунлари сўйилган жонивор гўштнинг етти хил жойидан майдалаб тўғраб, ун қўшиб таом тайёрлашган. Гўштни чайнамай ейиш даражасида тўрғаш, масалликни қовуришда капгирни астагина ишлатиш қоида бўлган. Бундай талабларнинг сабаби маросим куни марҳум руҳининг хонадонга келиши, пиширилган гўшт башарти чайналадиган бўлса ёки капгир қозонга қаттиқ уриладиган бўлса рух азобланиши мумкин, деган тасаввур бўлган.

Қадимги аждодларимиз дафн қилинган жасадда юз берадиган ўзгаришлар ҳақида эмприк билимларга эга бўлганлар. Ана шу кунларда марҳум руҳи уйига келади, деб тасаввур қилинган. Ва руҳга таскин бериш учун, ҳозирги кунда ҳам ўтказиладиган (Исломлаштирилган), “уч”, “етти”, “йигирма”, “Қирк”, “йил” каби удумлар ўтказилган. Зикр илинган удумлар аждодларимиз инсон хотирасини нақадар эъзозлаганини ифодалайди. Ана шу анъаналар кейинги даврлардаги ўзгаришлар билан ҳозиргача етиб келган миллий қадриятлар сифатида яшамоқда.

Мустақуиллик йилларида миллий анъаналаримиз, байрамларимиз ва маросимларимиз янги мазмун касб этиб ривожлантирилмоқда. Умумхалқ байрами бўлган “Наврўз”, “Хотира ва қадрлаш куни”, “Шаҳидлар хотираси куни”, “мустақиллик куни” ва бошқалар халқуимиз бирлигини мустаҳкамлаш, аجدодларга содиқ бўлиш, ўзликни англаш каби тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

... халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урф-одатларимиз ва улар заминида мужассам бўлган меҳроқибат, инсонни улуғлаш..., турли муаммоларни биргалашиб ҳам қилиш каби ибратли қадриятлар табора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ислом КАРИМОВ



ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ – МАЪНАВИЯТГА ТАҲДИД

Мустақил Ўзбекистон давлати дунёвий давлат эканлиги унинг Кон-ституциясида белгилаб қўйилган. Бироқ дунёвийлик даҳрийлик дегани эмас. Ўзбекистонда диндор ва динга ишонмайдиган фуқароларнинг ҳуқуқлари тенг кафолатланган ҳамда уларни таҳқирлаш, таъқиб қилиш ва камситишга йўл ўйилмайди.

Айни вақтда Конституциямиз ва виждон эркинлиги қонуни диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга ҳар қандай уринишни маън қилади.

“Биз,-деб таъкидлайди Ислом Каримов, - ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонунчиликка аралашуш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз”³.

Бинобарин, дин, жумладан исломдан сиёсий ёки бошқа ёвуз мақсадларда фойдаланишга ҳар қандай уриниш давлат, барқарорлик, маънавият, диний қадриятларга таҳдид ва тажовуз қилишдир. Дин ва унинг қадриятлари тикланиши унинг ривожланиши учун улкан ишлар қилинаётган бир шароитда, минг афсуски, ташқаридан кириб келган диний экстремистик ғоялар ва унинг маддоҳлари республикамиз хавфсизлигига таҳдид солиш билан бирга миллий ва диний қадриятларимизга ҳам раҳна солмоқда.

Диний экстремизм ва диний фундаментализм, ақидапарастликнинг минтақамизда таҳдидининг вужудга келиш сабаблари ва намоён бўлиши Ислом Каримовнинг юқорида зикр қилинган асарида (34-49-бетлар) аниқ, асосли, илмий таҳлил қилинган. Президентимизнинг янги асари “Юксак маънавият-енгилмас куч” номли китобида эса муқаддас Ислом динимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоялаш каби долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Айниқса, Ислом Каримовнинг куйидаги фикридан мавзунини таҳлил қилиб бериш такозо қилинади: “...баъзан ислом дини ва диний ақидапарастлик тушунчаларини бир-биридан фарқлай олмаслик ёки ғаразли мақсадда уларни тенг қўйиш каби ҳолатлар ҳам кўзга ташланмоқда. Шу билан бирга ислом динини никоб қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган мутаассиб кучлар ҳали анча шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, ғўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, бош кўзини айлантдириб, улардан ўзининг нопок мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Бундай ножўя ҳаракатлар аввало муқаддас динимизнинг шаънига доғ бўлишини, охир-оқибатда эса маънавий ҳаётимизга салбий таъсир кўрсатишини барчамиз чуқур англаб олишимиз ва хулоса чиқаришимиз зарур”².

25-чизма. ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ —МАЪНАВИЯТГА ТАҲДИД (ғояси, террористик ташкилотлари ва уларнинг ёвуз мақсадлари)



ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МАЪНАВИЯТГА ТАХДИДЛАРНИНГ КУЧАЙИШИ

**... глобаллашув – бу аввало ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада
тезлашуви демакдир.**

Ислом КАРИМОВ

Глобаллашув – жаҳон тараққиётини тезлаштирувчи ғоят қудратли феномен. У давлатлар ва халқлар ўртасида интеграция ва ҳамкорлик алоқаларини кучайтиради, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайлик туғдиради, минглаб ишчи ўринлари яратади, замонавий технологиялар ва фан ютуқларининг тез тарқалиши, маданиятлар ва динлараро алоқуалар ва уйғунликларни кучайтиради.

Аммо глобаллашувдан ёвуз мақсадлар учун фойдаланиш ҳам намоён бўлмоқда. Ислом Каримов тўғри таърифлаганидек, “бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга”.

Мафкура полигонларининг кучи ва таъсири, энг аввало, кучли давлатларнинг ўзга давлат халқларининг маънавиятига ўта нозик воситалар билан тажовуз қилишида яққол намоён бўлмоқда. Ёш давлатларда “Эркинлик ва демократияни олға силжитиш”, “демократияни тезлатиш”, “рангли инқилоб”лар, “оммавий маданият”ни тарқатиш йўли билан давлатларни ва миллатларни қарам қилиш мафкуравий тажо-вузнинг бош мақсадидир. Грузия, Украина ва Қирғизистонда юз берган “рангли инқилоб”лар ана шу тажовузларнинг аянчли оқибатлари бўлди.

Ўзбекистонда “рангли инқилоб” юз бермаслиги ҳақида Ислом Каримов қатъий хитоб қилди ва бунинг сабабларини кўрсатиб берди. Аммо Юртбошимиз таъкидлаганидек, тобора кучайиб бораётган мафкуравий агрессия маънавиятимизга қаратилган таҳдидларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур.

Талабалар диққатини “оммавий маданият” миллий ахлоқимизнинг уят, ҳаё, ор-номус, ота-оналар, катталарга ҳурмат каби дурдоналарига тажовузларидан асраб-авайлаш масалаларига тортиш зарур. Шу билан бирга Ислом Каримовнинг номи зикр қилинган асари асосида ҳасад, сотқинлик, ёлғончилик, виждонсизлик, лоқайдлик каби иллатларнинг ижтимоий зарарларини фош қилишга эътибор бериш даркор.

Ёшларимизни маънавиятга таҳдидлардан ҳимоялаш улар онгида ғоявий бўшлиққа мутлақо йўл қўймаслик, уларда мафкуравий иммунитетни, мустақил фикрлаш маданиятини қарор топтириш, истеъдодини намоён қилишига фавқулудда аҳамият бериш ҳисобланади. Маънавий-маърифий тарбия-нинг марказига ана шу вазифалар қўйилади.

26-чизма. ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИ
ВА МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРНИНГ КУЧАЙИШИ

... бугунги замонда мафкура полигонлари ядро
полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга.

Ислом КАРИМОВ



27-чизма. **МИНТАҚАМИЗДА ТАРҚАЛГАН ЁТ ВА ЗАРАРЛИ МАФКУРАЛАРНИНГ ТАҲДИДИ**

... ислом динини ниқоб қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган мутаасиб кучлар хали онги шаклланиб улгурмаган ..., ғўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, бош-қўзини айлантриб, улардан ўзининг нопок мақсадлари йўлида фойдаланмоқда.

Ислом КАРИМОВ



ХУЛОСА

Кўргазмали – изоҳли қўлланма “Маънавият асослари” фани бўйича олий мактаблар учун ўқув дастури асосида ёзилди. Уни яратишда **Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асаридан илмий методологик манба сифатида фойдаланилди.** Чунки асарда “Маънавият асослари” фанининг мавзулари ва таянч атамалари – “маънавият”, “ахлоқ”, “маданият”, “маърифат”, “қадрият”, “ғоя”, “мафкура”, “дин”, “дунёвийлик”, “динийлик”, “ирода”, “виждон”, каби тушунчалар тизимини таҳлил қилиб берилди. Шунингдек, маънавиятни чиндан ҳам енгилмас ва қудратли кучга айлантириш учун амалда бажариш зарур бўлган энг асосий вазифалар илгари сурилди.

“Маънавият ҳақида ҳар қанча даъватлар, муҳим назарий фикрлар билдирилмасин, агар уларни жамият онгига сингдириш учун доимий иш олиб бормасак, бу борадаги фаолиятимизни ҳар томонлама пухта ўйланган тизимли равишда ташкил этмасак, табиийки, биз кўзланган мақсадга эриша олмаймиз”,⁴ -деб таъкидлайди **Ислом Каримов.**

Маънавият ва маърифат маскани бўлган мактабдан тортиб то саънатнинг барча турларигача, яъни инсон тафаккури ва қалбига таъсир ўтказувчи барча соҳалардаги фаолият давр талаблари асосида янги, янада юксак босқичга кўтарилиши керак, чунки юксак маънавиятсиз келажак йўқ. Маънавияти юксак юрт – қудратли бўлади. Мазкур қўлланма Президентимиз маънавий тарбия соҳасида илгари сурган долзарб вазифаларни бажаришга камтарона хизмат қилишига умид қиламиз.

⁴ Ўша жойда. 129-бет.

М У Н Д А Р И Ж А

С	ў	з	б	о	ш
и.....					
.....3					
Ислом Каримовнинг миллий-маънавий тикланиш концепцияси, унинг миллий мустақилликни мустаҳкамлаш	ва	миллий	тараққиётдаги		
аҳамияти.....				5	
1-чизма. Ислом Каримовнинг миллий-маънавий янгиланиш концепцияси (асосий манбалар).....				7	
Ислом Каримовнинг маънавият	ва	маънавий	тарбияга	оид	асосий
ғоялари.....				8	
2-чизма. Маънавий янгиланиш тўғрисидаги					
ғоялар.....				10	
“Маънавият асослари” фанининг					
предмети.....				11	
3-чизма. Маънавият асослари фанининг					
предмети.....				12	
Маънавиятнинг ижтимоий					
вазифалари.....				13	
4-чизма. Маънавиятнинг ижтимоий					
вазифалари.....				14	
Маънавият тизими ва уни шакллантирадиган					
мезонлар.....				16	
5-чизма. Маънавият ва унинг					
tizimi.....				17	
Маънавият ва онгнинг ўзаро					
муносабатлари.....				18	
6-чизма. Маънавият ва онгнинг ўзаро					
муносабатлари.....				19	
Маънавият ва инсон					
табиати.....				21	
6-чизма. Маънавият ва инсон					
табиати.....				22	
Маънавиятнинг тарихий					
илдизлари.....				23	
7-чизма. Халқ маънавий бойлиги – олтин					
хазина.....				24	
Маънавият ва					
маърифат.....				25	
8-чизма. Маънавият ва					
маърифат.....				26	
Маънавият ва					
мафкура.....				28	
9-чизма. Маънавият ва					
мафкура.....				30	
Маънавият ва					
иқтисодиёт.....				31	
10 - чизма. Маънавият ва					
иқтисод.....				33	

Маънавият ва эътиқод.....	34	
11-чизма. Маънавият ва эътиқод.....	36	
Тасаввуф – қалбни поклаш илми.....	37	
12-чизма. Ислом тасаввуфида нафс тарбияси.....	38	
Дин ва маънавият.....	39	
13-чизма. Ислом ва маънавият.....	41	
Мустақиллик ва маънавий янгилашиш.....	42	
14-чизма. Мустақил Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият.....	43	
Маънавий меросимиз дурдоналари.....	44	
15-чизма. Маънавий меросимиз дурдоналари.....	46	
Амир Темур ва темурийлар даврида маънавият.....	47	
16-чизма Амир Темур ва темурийлар даврида маънавият.....	49	
Туркистонда жаидчилик ҳаракати ва унинг маънавият ривожига ўрни.....	50	
17-чизма. Туркистонда жаидчилик ҳаракати ва унинг маънавий таракқиётдаги ўрни.....	51	
Комил инсон тушунчаси ва унинг моҳияти.....	52	
18-чизма. Комил инсон тушунчаси ва унинг моҳияти.....	53	
Ватан ва ватанпарварлик тушунчаларининг маъно- моҳияти.....	54	
19-чизма. Ватан тушунчасининг маъно- моҳияти.....	57	
20-чизма. Ватанпарварлик – буюк фазилат.....	58	
Инсонпарварлик ва унинг моҳияти.....	59	
21-чизма. Инсонпарварлик ва унинг моҳияти.....	60	
22-чизма. Инсонпарварлик, ватанпарварлик ва тинчликпарварлик – шахс маънавиятининг асоси.....	61	
Маҳалла — миллий маънавият маскани.....	62	
23-чизма. Маҳалла — миллий маънавият маскани.....	64	
Маросимлар — миллий-маънавий қўзғуси.....	65	кадриятлар

24-чизма. Маросимлар – миллий-маънавий қадриятлар кўзгуси.....	67
Диний экстремизм – маънавиятга таҳдид.....	68
25-чизма. Диний экстремизм —маънавиятга таҳдид (ғояси, террористик ташкилотлари ва уларнинг ёвуз мақсадлари).....	69
Глобаллашув ва маънавиятга таҳдидларнинг кучайиши.....	70
26-чизма. Глобаллашув жараёни ва маънавий таҳдидларнинг кучайиши.....	71
27-чизма. Минтақамизда тарқалган ёт ва зарарли мафкураларнинг таҳдиди.....	72
Х у л о с а.....	73
М у н д а р и ж а.....	74

Илмий оммабон нашр

Ш. В а л и е в., А. С у л т о н о в.

М А Ё Н А В И Я Т **А С О С Л А Р И**

Кўргазмали-изоҳли қўлланма

Мухаррир

Абдуғулом СУЛТОНОВ.

Техник муҳаррир ва компьютерда саҳифаловчи

Тўлқинжон НУРДИНОВ
Муқова мусаввири
Рустамжон УМРЗОҚОВ
Мусахҳиҳ
Муқаддасхон РАҲМОНОВА

Босишга рухсат этилди 20.11.2010 й. Босмахонага топширилди 10.12.2010 й.

Бичими 60x84¹/₁₆. Босма табаъи 4,75. Офсет = олов. Офсет босма.

Адади 200 нусха. Буюртма раъами 9.

Баъноси келишилган нархда.

“Fan Poligraf” МЧЖ
Босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент ш, Буюк ипак йўли, 434.